



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Шарқ доғишманлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириши, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 12-fevral, chorshanba * № 7 (1171)

ИНТЕРНЕТ МАТБУОТ ЎРНИНИ БОСМАЙДИ



Журналистика жамият учун ҳақиқатга, инсоний ҳурматга асосланади. Жиддий таҳлил қилинган, ишончли маълумотни тақдим этади. Кўплаб твиттерлар ҳамда ижтимоий тармоқлар сифатли журналистиканинг ўрнини боса олмайди. Бундай таъкид ҳар қандай давлат ҳамда ҳар қандай минтақага тегишлидир. ➔ 4-бет

«АССАЛАМУ АЛЕЙКУМ» ЁХУД МЪЯНМА ФОЖИАСИ



Кампир шилта лой бўлган йўлда ёлғиз кетиб борар экан, боя кўз олдида юз берган фожиаларни эсламасликка, фақат ва фақат ўлиб кетган эри ва фарзандларининг хурмати учун ёлғизгина ёдгорини асраб қолишни ўзининг олий бурчи деб биларди. ➔ 7-бет



ҲАЁТ КИПРИГИДАГИ ЎҚЛАР

Саида Зуннунова ишдан ҳайдалган кунлари шаҳарда ижара уйда яшаб, ёзувчиларнинг кўлёмаларини машинкада кўчириб кун кечиради. Шунда ҳам ўз ёрига садоқати кам бўлмади. Шоира ҳаёт кипригидаги ҳар бир ўқни ана шундай матонат билан енгди. ➔ 8-бет

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган йўналишда янги лавозим тайинловлари амалга оширилди.



3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Абдухалим Холмаҳматов Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари этиб тайинланган. У тайинловга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилояти Халқ қабулхонаси мудир лавозимида ишлаган.

Генерал-майор Шуҳрат Шаропович Узоқов Бош прокурор ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори этиб тайинланган. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги халқ қабулхонаси мудир лавозимида ишлаб келаётган эди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига қарашли Яшнобод тумани Рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимида аптомактаб битирувчиларидан имтиҳон олиш жараёнида коррупциянинг олдини олиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида синов тариқасида янги тизим ишга туширилди.



Бу ҳақда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Рафиқжон Жалилов 10 февраль кuni журналист ва блогерлар учун ташкил этилган пресс-турда маълум қилди.

Янги тизимга кўра, ҳайдовчиликка имтиҳон топширувчиларнинг хатти-ҳаракатини, хонада рўй бераётган барча ҳолатларни кутиш хонасига ўрнатилган мониторлар орқали имтиҳон топширувчиларнинг яқинлари кузатиб туриши мумкин.

Туркия Жумҳурияти «Ziraat Bankasi»нинг шўба банки, «Ziraat Bank Uzbekistan» акциядорлик жамияти Тошкент шаҳридаги Юнусобод филиали, чакана ва корпоратив шўбабалиридан сўнг 4-хизмат офиси сифатида, Самарқанд шаҳрида «Самарқанд офиси» фаолиятини бошлади.



Банк иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиб бораётган ва сўнги йилларда жуда жиддий ривожланиши бошлаган Ўзбекистонда замонавий банк хизматларини тақлиф қилиш орқали фаолият кўламини

оширишни ўзига мақсад қилиб қўйган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ЭЪТИБОРИГА!

Қабр устида кўшиқ айтиладими?



Табаррук масканларда кўшиқ айтиш миллатимизга ярашмайдиган одобсизлик эканини билишимиз, билмаганларга эса билдиришимиз керак. Зеро, қабрлар қошида кўшиқ айтилмайди, ўйинга тушилмайди, аксинча, муқаддас Қуръон тиловат қилиниб, савоби ўтган улуғ зотлар, жамики марҳумларга бахшида этилади. ➔ 5

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТУҒИЛГАН КУН



Бобур мирзо қандай инсон бўлган?

“Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод эттинг” дея лутф этади Мирзо Бобур рубойларидан бирида. Чиндан ҳам, улуғ аждодларни ёд этиш, уларнинг беназир илмий ва бадиий меросини ўрганиш, ҳаёт йўлларини тадқиқ қилиш авлодларнинг бурчидир. Аслида Ватани тарихи билан кизикмайдиган инсон бўлмас керак. Айниқса, буюк шахсларнинг ҳаёти ва инсоний характери кизик ва ибрат олгуликдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси ҳақида гапирганда, аввало, унинг Аллоҳнинг бир бандаси, инсон сифатида кўрган кечирганлари, мустаҳкам империя қуриш маҳорати ва машаққатлари, оталик меҳри, қариндошлик аъъаналари, характеридаги тантлилик ва мардлик каби сифатларини ўрганиш ва ўргатиш мумкин аҳамият касб этади.

Эътироф этиш керак бобуршунослик илмида заҳматқаш олимларимиз томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар, хулоса ва тақлифлар илгари сурилган, ҳамон изланишлар давом этмоқда. Аммо тадқиқотчилар даврасидан ташқаридидаги одамлар, оддий халқимиз бу жараёндан беҳабарлиги, илмий янгиликларнинг оммабоп услубда тақдим этилмаслиги бу борадиги камчилигимиздир балки. Зотан, бу кучли шахс кўп жўҳаддан бутунги авлодларга ўрнак бўла оlishини ҳар ким, айниқса, ёш авлод билиши, англаши фойдадан холи бўлмайди. ➔ 3

ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ МУТАСАДДИЛАРИ “ЎҚИШМАСИН!”

Шунчаки қишлоқ шароитими?

Сурхондарё вилояти, Қизирӣқ туманидаги “Гиламбоб” маҳалласининг Ислоом Каримов номидаги кўчада 4-умумий ўрта таълим мактаби жойлашган. Энг аянчлиси, кўчанинг мактабга яқин жойида аҳоли томонидан ўрнатилган абгор ва кўлбола симёғоч “қўлингни теккизсанг ағнайман” қабилида бир тарафга қийшайиб қолган. Ҳозирча бу симёғочни симлари кулаб тушишдан сақлаб турибди, халос.

Сурхондарёда ҳам электр тармоқлари бор, бу тармоқнинг туман бўлимлари ҳам йўқ эмас. Уларга мутасадди раҳбарлар тайинланган, аммо улар фақат, ишлатилган электр қуввати учун пул йиғиш керак бўлганда кўриниш берадиган бошлиқлар, холос. Нима қилсин, аҳоли илõжи бўлмагач, ўз имконияти даражасида симёғочлар ўрнатиб, электр токидан фойдаланади-да. Маҳалла раиси ва фаоллари ҳам бепарво, шунчаки қишлоқ шароити, деб эътибор беришмайди. Аввало, Худо кўрсатмасин-у, эрта бир кун симёғоч ағнаб кетиб, бирор кор-ҳол рўй бермасин-да...



Бўлажак “дорбозлар” билим оладиган маскан

Қизирӣқдаги собиқ маиший хизмат кўрсатиш коллежининг бўшаб қолган биносида 35-умумий ўрта таълим мактаби ташкил этилган. Ўқувчилар мактабга катта зовур устида ўрнатилган сув қувуридан ўтиб боришади. Тўғри, ёш бола-да, чамаси юз метрлар узокликда қурилган кўприқдан айланаб ўтишга эриниб, хавф-хатарли бўлса ҳам қувурнинг устидан юриб ўтишни афзал билишади.

Қиш, баҳор фаслларининг қорли, ёмғирли кунларида бу “қил кўприқ”дан ўтиш ўта хавфли, чунки ўқувчи кийган пойабзал сирпаниб кетса, Аллоҳ сақласин, анча чуқур бўлган зовур ичига тушиб кетиш ҳеч гап эмас.

“Кун чиқиш” маҳалласи фаоллари, мактаб маъмурияти ўқувчиларни келажақда дорбоз қилиб тайёрлашга аҳд қилишган шекилли, акс ҳолда ҳалигача бу ҳолатга томошабин бўлиб туришмасди.



Тўра ЧОРШАНБИЕВ.

АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Соғлиқни сақлаш тизимида 60 фоиз кексалар:

ЁШЛАР ҚАЕРДА?

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳридаги тиббиёт олий ўқув юртлирида таълим олаётган сурхондарёлик ёшлар билан ташкил этилган навбатдаги учрашув пойтахтдаги тиббиёт ходимларини малакасини ошириш институти мажлислар залида бўлиб ўтди.

Тадбир жонли мулоқот тарзида кечганлиги талабаларга ўзгача кайфият улашти. Берилган саволларга вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари атрофлича жавоб кайтаришди.



педиатрия тиббиёт институтида эса 160 нафар талаба таҳсил олади. Агар уларга вилоятларда ҳам, худди Тошкентдаги каби, шарт-шароит яратилса, албатта, ота-онанинг, оиласининг бағрида яшаб, ишлашни исташади. Қолаверса, ўз туғилган юрти шаънини кўтариш, жамиятда фаровон турмуш тарзини шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшади.

Тан олиб айтиш керак, тиббиёт ходимларининг бугунги маоши рўзгор тебратилса, оила боқибга етарли эмас. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси муваффақиятлари вилоят молия бўлими билан келишган ҳолда ёш кадрларни икки ставкали иш билан таъминлашни ваъда қилишга тўғри бўлса-да, бу айрим ташкилотларнинг ҳайдовчиси оладиган ойлиқ маошча бўлмайди.

Хориж тажрибасидан келиб чиқилса, марказлашган шаҳарларда пул топиш ҳам, уни сарфлаш ҳам осон, энг муҳими, кундалик айланма маблағ бор. Бюджет ташкилотларининг ойлиги ошиши билан бозорларда кўтариладиган нарх-навога қараб, хизмат кўрсатиш ҳақи ҳам ошиб бораверади.

Албатта, жонли мулоқот тарзида ўтган тадбирда иштирок этган талабаларнинг кўзларида келахатга ишонч, умид учкунлари порлагани сезилиб турди. Иштирокчи-талабаларнинг кўпчилиги ўз юртига бориб ишлаш ниятида эканини айтишди. Вилоятда қад ростлаган янги, замонавий тиббий ускуналарнинг кириб бораётгани, бу муассасада илм ўрганишга иштирокчи бўлиш, янги ускунада ишлаш оладиган, соҳага янгилик олиб кирадиган

ёш кадрларга, албатта, эҳтиёж туғилади.

Хозирча биргина Сурхондарё вилоятида тиббиёт соҳасида 3963 нафарга яқин шифокор етишмас экан. Бу қарийб 2,5 миллион аҳолиси бор вилоят учун етарлича муаммо туғдириши табиий ҳолат. Айниқса, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, онколог, травматолог, уролог, педиатр ва бошқа тиббий йўналишларда врачлар етишмаслиги аҳоли саломатлигини сақлашни тўғриликка қамраб олиш имконини бермайди. Айниқса, кейинги пайтларда ҳали медицинага номаълум бўлган, айрим касаллик турларининг пайдо бўлиши, уларни бартараф этишда замонавий фанлар асосида таълим олган ёшларга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатади.

Ҳозирча биргина Сурхондарё вилоятида тиббиёт соҳасида 3963 нафарга яқин шифокор етишмас экан. Бу қарийб 2,5 миллион аҳолиси бор вилоят учун етарлича муаммо туғдириши табиий ҳолат. Айниқса, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, онколог, травматолог, уролог, педиатр ва бошқа тиббий йўналишларда врачлар етишмаслиги аҳоли саломатлигини сақлашни тўғриликка қамраб олиш имконини бермайди. Айниқса, кейинги пайтларда ҳали медицинага номаълум бўлган, айрим касаллик турларининг пайдо бўлиши, уларни бартараф этишда замонавий фанлар асосида таълим олган ёшларга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатади.

Янгилаётган Ўзбекистонда инвесторларнинг эркин фаолият кўрсатишига яратилган шароит тўғрисида, ҳозирда Денов туманида барча қўлайликларга эга тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази иш бошлагани аҳоли оғирини енгил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна айтиш керакки, бу муаммолар биргина Сурхондарё вилоятига тегишли эмас, балки қолган барча вилоятларда ҳам мавжуд муаммолардир.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиш керакки, ҳозирда ҳар бир врач бир кунда қанча кўп касал кўрса, яъни унга юклатилган юкларини ортиги билан бажарса шунча кўп маош оларкан. Буни ажабланарли, энди шифокор кўпроқ ойлик олиш учун ўз худудида касални кўлайтириши керакми? Чет эл тажрибасида эса бутунлай бошқача, шифокор ўз худудида касалланган беморлар сонини қанча камайтирса, шунча кўп маош беморланади. Бу — адолатли ечим эмасми?

Айтиш жоизки, Тошкентдаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш институтида бўлажак шифокорлар — ёшлар билан бўлиб ўтган очик мулоқот ҳар томонлама манфаатли бўлди. Тадбир сўнггида иштирокчилар бир овоздан: "Термиз шаҳрида бўладиган учрашувда қўришгунча", дейишди.

Юсуф ЖУРАЕВ.

ШИЖОАТ



Ватанга садоқат туйғуси

Президентимизнинг 2019 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони асосан Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилиб, ўқув даргоҳига Академия мақоми берилди.

Академия томонидан давлатимиз раҳбарининг 5 та муҳим ташаббусида белгилаб берилган — ёшларнинг мусика, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодларини юзага чиқариш, жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар ташкиллаштирилмоқда.

Айнан мазкур ташаббуснинг амалдаги ижросини таъминлашда тизимли ўқитиш, тўғрақарларга жалб этиш йўлга қўйилган боис ёш курсантларимиз қатор танловлар, мусобақаларда муносиб қатнашиб, совринли ва фахрли натижаларга эришмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган театр фестивалида Академияда ташкил этилган "Матонат" театр жамоаси "Арслон ҳамласи" номи спектаклини сахнага олиб чиқди. Саҳна асариде ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган ҳодисалар, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ўз аксини товланган боис "Долзарб мавзудан сахнавий талқини учун" ҳамда "Энг яхши талабалар театр студияси раҳбари" номинациялари бўйича голибликни қўлга киритди. "Энг яхши эркак роли учун" номинацияси бўйича эса ҳаваскор ижроичлик даражаси, драматик қобилияти, характери акс эттирувчи имконияти, нутқ маданиятини намоён эта олгани учун 3-босқич курсанти Санжар Бахромов тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Регби федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тизимида 2019 йилнинг 28 ноябрдан 4 декабрга кунга қадар «Регби-15» спорт тури бўйича ўтказилган очик чемпионатда Академия курсантлари ушбу чемпионатда илк иштирокига қарамай, «Энг яхши тартиб-интизомга эга жамоа» номинацияси кубоги билан тақдирланди.

Жорий йилнинг 12 январь кун эса Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 10 километр масофага югуриш марафониде Академия курсантларидан таркиб товланган терма жамоамиз вакиллари ҳам муносиб иштирок этди.

Албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида бугун ҳарбийларга кўрсатилаётган эътибор ва гамҳўрлик тўғрисида ёшларнинг ушбу соҳага бўлган қизиқиши ва интилиши ортиб бормоқда. Таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар, ўз навбатида, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёш авлодда қатъий ҳаётий позиция, Ватанга садоқат туйғусини шакллантиришда ўрта мактабдан олий ўқув юртигача бўлган даврда ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича яхлит тизим яратилган.

Дилшод ТОХТАМУРАТОВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси бошлиғи в.в.б., полковник.

ФИКР

Ўқитувчи компьютерда ишлай олсин

Маълумки, Ҳазрати Алишер Навоий ижоди — бир буюк уммон. Аммо бобомиз меросини тўғриликча умумий ўрта таълим мактаблари дарслигига киритишнинг умуман имкони йўқ.

Бугун компьютерлаштирилган технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Шу қатори адабиётшунослик фани, ундаги атоқли мутафаккир шоирлар ижодини илмий ўрганишда интернет тизими қулай манбага айланди. Эндиликда барча тил ва адабиёт фани ўқитувчилари ўз компьютерига эга бўлиши, дарс жараёнини замонавий техник жихозлар билан олиб бориши керак.

Компьютери ёки ноутбуки бор, интернетга уланган ўқитувчилар, оз бўлса-да, мактабларимизда бор, аммо уларнинг орасида компьютерда ишлашни билмайдиганлари ҳам талайгина. Масалан, яна бир жиҳати шундаки, дарсда берилган уйга вазифани ўқувчи бажараман деса, жуда осон, унинг қўлида мобил алоқа воситаси бор, интернетга кириб керакли маълумотни олиши мумкин.

МУЛОҲАЗА

"Падаркуш" дай асарлар ёзилса...

Мухтарам Президентимизнинг ОАВларида чиккан нутқ ва маърузаларини алоҳида иштиёқ билан ўқийман, қўлимга қоғоз-қалам олиб, фикрларини ёзиб оламан. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Юртбошимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасини матбуот саҳифаларида ўқиб Ватанимизнинг иқтисодий жиҳатдан янада юксалишига, ҳаётимиз даражаси яқин вақтлар ичида ҳозирги кундагидан бир неча баробар фаровон бўлишига ишонч ҳосил қилдим. Ҳалол меҳнат қилган одамнинг уйи тинч, кўнгли хотиржам, дастурхони неъматсиз эмаслигини англадим.

Менга, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, олий ўқув юртлирига қабул квоталарининг икки баравар оширилиши, давлат грантларининг кўпайиши сингари янгиликлар маъқул бўлди. Мамлакатимизда ҳар йили умумий ўрта мактабларни битирган ёшларнинг бир қисми ўқишга қирар, қолганлари бекорчиликда қолиб кетарди. Турли хил қонда бузишлар, жиноий хатти-ҳаракатлар бекорчиликдан келиб чиқиши ҳаммага маълум. Ёшлар

яратган ўзига хос фалсафий мактаб голярига, маънавий етуқликча чорловларига ўзгача қизиқиш билан ёндашади. Ҳазаллардаги нафисликдан ташқари, маъно ва моҳиятини билишга ҳаракат қилишади. Дарс жараёнида ҳам билгисиз келган нарсасини сўрашдан ҳеч иккиланмайди. Аслида ўқувчи ана шундай бўлиши керак.

Бундай пайт ўқитувчи осон ва завқ билан дарс ўтади. Ўз ишидан мамнун бўлади. Ўқувчининг ўзида ўрганишга иштиёқ бўлса, бирон асарни интернетдан топишга, қозғача чиқаришга ҳамда ёдлашга тутинади, буни қийналмай бажаради. Албатта, қизиқиши йўқ болаларга ўқитувчининг ўзи шу асарни топиб, қозғача нусхасини чиқариб, қўлга тайёр қилиб бериши керак. Уларни қизиқтиришнинг осон йўли шу, уйда дарс қилмасликка баҳона қолдирмаслик лозим.

Алишер Навоийни ўрганиш —

Бехудий бобомиз билмасиз бола қилмишини тасвирловчи "Падаркуш" асариде бузуқ йўлларга кириб, отасининг ўлимига сабабчи бўлганлигини талқин этади. "Падаркуш" XX аср бошларида Туркистон халқлари ҳаётининг аянчи ҳолатлари ҳақида ёзилган эди. Маърифатпарварликнинг сиёсий ва ижтимоий фалсафасини ифодалаганди. Драмада ўқимаган боланинг ҳаёти жамият жиқлишига, собитқадамчилигига салбий таъсир кўрсатиши яққол тасвирланган. Асар оммага шу қадар таъсир қиладики, кўпчилик бойлар ҳам шундан сўнг илм йўлида "Усули жадид" мактабларини очади. Қандай ҳозир ҳам ана шундай юксак савияли асарлар ёзилса...

Албатта, таълим муассасаларига китоб тақдим этиш аънанаси — энг эзгу аъналардан бири бўлди. Бу китоб

ва китобхона бўлган эътибор кўчаганини билдиради. Шу жумладан, ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари давлат ҳисобидан нашр этилиб, таълим масканлари ва кутубхоналарга етказиб берилмоқда.

Бу ҳам янгилаётган Ўзбекистонда адолатли, маънавиятга бўлган эътиборнинг юксак намунасидир. Президентимиз Олий Мажлисига Мурожаатномасида айтганлариде: "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик — бу билимсиликдир!". Албатта, биз келажақда давлатимизни иқтисоди ривожланган, маънавияти юксак, турмуши обод юрт тизимида қўришни истасак, бундай олий мақсадга фақат ўқиш, илм ўрганиш билан эришиш мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Мунира РАМАЗОНОВА.



Буюк тарихий шахсларнинг маънавий-руҳий таъсири асрлар оша авлодларга ўзини сездириб, билдириб туриши аён ҳақиқат. Улар мансуб халқлар, миллатлар ўз тақдирининг, энг муҳими, ҳал қилувчи паллаларида буюк аждодларидан кучли мадад олишлари-да, бор гап. Шу маънода, ўзбек халқини Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари забардаст инсонларнинг руҳий мадалларисиз, бир лаҳза бўлсин, ёруғ истиқболли келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Бу улуглар қаққашонида, бундан 537 йил муқаддам чакнаган, бетимсол Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мунаввар сиймоси ҳам чарақлаб турибди.

Бобур мирзо қандай инсон бўлган?



Биринчи гада Мирзо Бобурнинг ўта ростгўй инсон бўлгани таҳсинга лойиқ. «Бобурнома»ни ярақлар эканми, унинг оқ қозғ қаршида ўзидан фаришта ясаб олгани, бор гуноҳу савобини рўй-рост ёзганига амин бўламиз. У гоҳ гулларнинг тури-ю рангини санаётган биолог, гоҳ ҳарбий санъатдан сабоқ бераётган саркарда, гоҳ сўзни, шеърни увол қилмасликни ўргатаётган адабиётшунос ва ҳатто касалликлар таъши-сию даво йўллари ҳақида фикр билдираётган ҳақим тимсолида гавдаланади.

Нафақат шох ва шоир, балки қомусий олим дея эътибор этилган Мирзо Бобур асарлари ҳануз Ғарб мамлакатларида ҳам севиб ўқи-лаётгани, қайта-қайта таржима ва янги нашрлар қилинаётганининг бош сабаби ҳам мана шу ростгўйликда бўлса керак. Муаллиф ҳатто ўз камчиликларини-да хаспўшламай айтве-ради. У замондошларини ва биз авлодларини алдамагани учун ҳам ҳурматга лойиқ.

Тарихнавис Ғиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида Мирзо Бобурнинг туғил-ган вақти ва болалигига доир шундай тас-вирлар бор: «Мирзо Умаршайх ибн Мирзо Абу Саид ибн Мирзо Султон Муҳаммад ибн Мирзо Мироншоҳ ибн жаҳон опувчи соҳибқирони Амир Темур Қўрағонга атолар бахш этувчи ҳазрат хотини Нигорхоним битта Юнус-хонда бир ўғил каромат қилдиким, ҳам бола-лик айёми бошидан давлат ва иқбол нурлари ҳоли жамолидин ялтирар, ҳам ўсиб-ўлғайиш замони аввалидан шавак ва истиқлол ало-мати бахт келажакли манғалайдан биллиб турарди».

Бола бошидан деганларидек, тарихчи Хонда-мирнинг маълумот беришча, Мирзо Бобур бола-лигидан «давлат ва иқбол нурлари ҳоли жамо-лидин ялтирар», кейинчалик тарбияту илм кўра бошлаган «ўсиб-ўлғайиш замони аввалидан ша-вак ва истиқлол аломати бахт келажакли манғала-йдан биллиб турарди». Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асаридан эса бу улуг бобомиз-нинг исмлари ҳам шунанчи қўйилмаганини билгиш мумкин. Яъни Заҳириддин Муҳаммад исми Хўжа Ахорр Валии томонидан қўйилган экан. Шу ўринда эслатиб ўтайлик: даврининг китоб кўрган, маъри-фатли инсонлари билан бамаънаҳ фарзандла-рига исми қўйиш ота-боболаримизнинг яши аъна-наси бўлган. Шунки қайта ёнда олиш ҳам бугуннинг зарур эҳтиёждир. Зотан, исмининг жисмига, руҳга кўчиши бор гап.

Темурийлардаги маърифат аҳлига ҳурмат ва ҳомилийлик хислати Мирзо Бобур характе-рида ҳам муҳим ўрин тутган. Биргина мисол: у бир хасталикка учрагач, Аллоҳ кўнглига «Во-лидия» назимий таржима қилиш ниятини со-лади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «Се-шанба кечаси савфар ойинча йшғирма өтпү-сүда ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримага келти. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнгулмаа кечүрүлүмүм, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечүкүм, соҳиб «Қасидаи бурда»нинг қасидаси мақбул тушүб, ўзи аф-лиқ марзидан халос бўлди, мен доғи бу ори-задик қутулүб, назимининг қабулига далиле бўлгүсидур». Аллоҳнинг кароматини қарангки, таржимадан сўнг Бобур мирзо жисмида касал-ликдан асар ҳам қолмайди. Подшоҳ мана шу таржимасидан нусха ва унга қўшиб бир кўйма олтин, битта қитъа Мовароуннаҳрга ўша давр-да Нақшбандия тариқати пешвоси бўлган Мах-думи Аъзамга юборгани тарихий манбаларда қайд этилган. Махдуми Аъзам ҳазрат унга жа-вобан «Бобурия» асарини ёзиб, шох ва шоирга тухфа қилган экан.

Аҳли илм ва аҳли адабиётта Заҳирид-дин Муҳаммад Бобурнинг ихлосу ҳомилийги ҳақида жуда кўп далиллар келтириш мумкин. Мирзо Бобурдан инсоний ибрат олишга арзийдиган яна бир жиҳат унинг қариндош-уруғ аёллар ва умуман хотин-қизларга меҳру муҳаббатли, самимий муносабатидир. Бу ҳақда ростгўй отанинг ҳақсўз кизи Гулбадан-бегимнинг «Хумоюннома»сида бир қанча ҳикоя-лар бор. Жумладан, у шундай ёзади: «Подшоҳ ҳазратлари Агра шаҳрида тўрт йил турдилар. Ҳар жума кун аммаларини кўргани борар эдилар. Бир кун ҳаво ниҳоятда иссиқ эди, онам ҳазратлари: «Буюн ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар жума кун кўргани бормасангиз нима бўлади? Беғимлар бурдан хавф бўлмасалар керак», деб сўрадилар. Подшоҳ онамга мана бундай жавоб бердилар: «Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқishi таажжубдир. Ҳазрат Абу Саид мир-зонинг қизлари ўз ота ва биродарларидан жудо бўлиб, бу ерга келган, агар мен улари-нинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади?»

Мана шу мисолнинг ўзбек Заҳириддин Муҳаммаднинг нақадар олижаноб қалб эгаси эканини исботлайди. Бир жиан сифа-тида отасининг жигарлари — аммалари ҳолидан ҳар ҳафта, муборак жума кунда ҳол-аҳвол сўраши бугунги кун инсонлари

ривидин Муҳаммад Бобурнинг «Бобур-нома», «Мубайян», Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», «Бобур абадияти» (жамоа тўплами), Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», таникли инглиз адиби Румер Годеннинг «Гулбадан», америкалик шарқшунос адиб Харольд Ламбинг «Бобур — йўлбарс», Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома», Вильям Рашбрукнинг «Ун олтинчи аср бунёд-кори», Самуэль Бьоркнинг «Ақбар — бобурийларнинг энг буюғи» ва яна бошқа ўнлаб ноб китобларни ҳамда ўз адибларимиз ва хорижлик муал-лифларнинг ўттиздан ортқ янги асар-лари, романлари, монографиялари-нинг чоп этилишига эришти.

Бобур сиймоси кейинги йилларда юксак қадр-қимматини топмоқда. Ан-дждондаги Бобур номидаги миллий богда «Бобур ва жаҳон маданияти» экспозицияси, шoirнинг рамзий мақ-

учун ҳам гўзал ибратдир. Баъзан вақт ма-саласи, иш кўпчилигини пеш қилиб, аслида оқибатсизлик сабаб бизни соғинадиган, кўмсайдиган инсонларимизнинг ҳолидан хабар олмаймиз. Бу тарихий ҳикоя ҳам оқиб-бат ҳақида гўзал намунадир.

Яна бир тарихий далил: 1506-1507 йилларда Мирзо Бобур Ҳиротта кетганидан фойдалан-ган Мирзо Муҳаммад Ҳусайн кўзгалон кўтариб, шаҳарни камал қилиб, Кобул тахтини эгалла-ган. Бобур мирзо бу жойни қайта кўлга киритгач, Мирзо Муҳаммаднинг хоинлигига қарамай, кичик ҳоласи Ҳўбнгорхонимнинг эри — поччаси бўл-гани учунгина кечирган, нафақат кечирган, балки эҳтиром кўрсатган экан. Бу ҳақда Гулбадан-бегим шундай ёзади: «...ҳопларининг хотирини қилиб, Мирзо Муҳаммад Ҳусайннинг гуноҳини кечдилар. Ҳопларининг кўнглида бўлиб ўтган кулфат гўбори колмасин деб илгаридан ор-тиқроқ ҳурмат қилдилар». Гувоҳи бўлганимиз-дек, ҳоласининг кўнглини орғитмаслик ғамини еган Бобур бу борада ҳам кўпчилигимизга ибрат десак, ҳато бўлмас.

Гулбаданбегим онаси Моҳимбегим ва ўзига нисбатан подшоҳ отасининг меҳрини ҳам чи-ройли тасвирлаган. Чунончи, у ўзининг Қобул-дан Ҳиндистонга келиш воқеасини алоҳида иштиёқ билан баён этади. Улар Аграга базм устига келишади. Бироздан сўнг Гулбадан-бегим отасининг олдига бориб таъзим қилади, шунда Бобур мирзо ундан ҳол-аҳвол сўраб, бир неча муддат тиззасига олиб ўтирган экан (ўшанда малика олти ёшда бўлган). Бу ҳақда Гулбаданбегим «...ўзимни шундай бахтли ҳис қилдимки, уни тасвир қилиб бўлмайди» дей-ди. Бундан ота ва қизнинг самимий руҳдаги муносабатини илғаш мумкин.

«Бобурнома» мутлоаси жараёнда қузиатиш мумкин, подшоҳ Бобур ўғиллар тарбиясида анчайин қаттиққўллик қилган кўринади. Бу Хумоюн мирига ёзган хатларидан сезилади. А-ллоҳ саройда ўз соҳасининг энг олди бўлган мутафаккир устозлардан тарбия олиш йит-тининг имлоси ёмон бўлиши мумкин эмас. Шун-дай эмасми? Аммо барибир, подшоҳ Бобурнинг Хумоюндан қўнгли тўлмайди. Илмо устида, ҳусниҳат устида кўпроқ ишлаш, эътиборли бў-лишни қатъий талаб қилади: «Яна мен деван-дек, бу хатларини битибсен ва ўқимайсен, не учунки, агар ўқур хавл қилсанг эди, ўқий-олмас эдинг. Уқий олмагандан сўн албатта тағйир берур эдинг. Хатини худ ташвиш була ўқиса бўлур, вале асру мулқабур, Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Импона ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас. «Илтифотни «то» биле битибсен. Кулунжи «ё» биле би-тибсен. Хатини худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладу, вале бу мулқаб афоззини мақсуд татом мафҳум бўлмайду».

«Бобурнома»ни мутлола қиларканмиз, муал-лифнинг дўстлари, навкарлари даврасида нақад-дар мард, танги, қўли очик инсон бўлганини та-саввур қиламиз. Дўстлар даврасида мутбойи йўлда шеърлар ёзилган, мушориралар бўл-гани ҳам эслайди. Айниқса, Иброҳим Лўдийга берган баҳоси тасвирланган ўринда унинг раҳ-барлар характерига қайси жиҳатларни ёқти-рмаганини аниқ илғаш мумкин: «Тенари таоло рост келтурди не ишлитини рози қила олди, не хазинасини улаша олди. Қанди ишлитини ризо қила олурким, табииатга имсоқ (хасислик) кўп гоплиб эди. Узи ярмоқ йилгитурмоққа беҳад ав-лолиб, бетажриба йилит эди. Не келиши саран-жомлиқ эди, не туруши, не юруши эҳтимомиқ эди, не уруши».

Айниқса, Бобур сийратигади мулоҳазакор-лик, босиқлик, танганинг ҳар икки томонини ҳам бирдай кўра олиш қобилиятини эътироф этиш лозим. У кимдир ҳақида маълумот бера-р экан, унинг фавзилатларини санай туриб, кам-чилигини ҳам унутмайди. Ҳатто душманлари тасвирини ҳам уларнинг қусурларини санай ту-риб, ҳеч бўлмаганда «таъби назим» борлигини эътироф этади. Шу боис ҳам, унинг «Рости шу эдики, ёзилди» деган гапи мутлақ ишонарли.

Мирзо Бобурнинг Ватанга қайтиш мақсади умрининг охиригача юрагида бўлган. «Ва-қоюеда муаллифнинг бу ҳақдаги ички туй-гуларига кўп марта дуч келамиз: «Бизнинг эҳтимомишимиз ул сарилар Бормоққа беҳад ав-бегояттур. Ҳиндустон ишлари ҳам бир навб-сомон топиб келадур. Тенари таолодин умиб андоқким, бу оранче иши Тенари таоло ино-яти биле бот саранжом тоқай. Бу иш за-бийдин сўнж бетавақуф, Тенари өткурсе, мутаважжиқ бўлгүмдур. Ул ишлотларини латофатларини киши нечүк унутқай. Алап-хусус мундоқ топиб ва торик бўлгонда ювун ва узумдек машруъ ҳазни киши не тавр хо-тирдин чиқарғай».

Тан олиб айтганимиз, бу маълумотлар Заҳи-риддин Муҳаммад Бобурнинг шахс сифатидаги қирраларини очиб-дана денгиздан томчи қабидир.

Ситора ТОЖИДИНОВА,
журналист.

“Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил...”

Бобур мирзо шахси ва қолдирган меросига, 130 йиллик истибод остида қолган миллатимиз-нинг очик кўзи фарзандлари истиқлолни кўлга олгунга қадар ҳам, бот-бот мурожаат қилган-лар. “Ўткан кунлар”даги Юсуфбек ҳожининг Ва-тан ҳимоясининг энг олд жабҳасида шахид бўла-жақ ўгли Отабекка қилган сўнги дил изҳорига, Абдурауф Фитрат лирик қаҳрамонининг жаҳон-гир аждодлар сағанаси пойидаги аччиқ даъват-ларида Бобур шавкатидан имдодлар янграйди. Халқи ёдини тиклай, деб тилидан айрилган Ой-бек домла бедор тунларда ҳазрат Навоий билан бирга Мирзо Бобур руҳиятини қалбдан ҳис қил-ган бўлса, не тонг...

Ўтмиши ҳақидаги ҳақиқатлардан айро ту-тилган халқимизнинг Бобур сиймосини яқин-дан идрок этишида, шубҳасиз, жафоқаш адиб Пиримкул Қодировнинг хизматлари бекиёсдир. “Юлдузли тунлар” романи туфайли ёзувчи бо-шига тушган қўرғуликлар, уни сиёсий басир-ликда айблаган каслар қилмишлари халқимиз ёдидан чиққан эмас. Шукри, Чингиз Айтматов-дек садокатли дўстлар фидойилиги билан ҳам адиб, ҳам асар сақлаб қолingan эди.

Айни шу йиллари (1983 йил) ўзбекининг яна бир элпарвар фарзанди Абдулла Орипов дил-бар бобоси Бобур тимсолида номини тилга олиш мумкин бўлмаган жаҳонгирлар ёдига ҳам, улар-нинг исломий эътиқодига ҳам ишоралар қилади:

*Сиз зобит — дастини чўзган дунёга,
Сиз — шоир, мангу бир аланга ёққан.
Наинки бандалар, Сизнинг сиймога
Не-не салтанатлар кек билан боққан.*

*Баҳодирлик ичра ёр Сизга Хумой,
Сиз улуг зотларнинг изин босган эр.
Назмиё саждаёғода Сизга, ҳойнаҳой,
Имомликка ўтгай фақат Алишер...*

Бобур изин босган улуг зотлар олд қаторида, албаттаки, ҳазрат Темур сиймоси чўнг салобати билан намоён бўлади.

Кейинчалик ёзувчи Қамчибек Кенжа томони-дан “бобурийлардан бири”, дея алқанадиган Зо-киржон Машрабов эса ўша йиллари Андижон шаҳри марказида ҳаммага кўрқув солиб турган Ленин бошчилигидаги большевиклар тўдасига қўйилган улкан қора ҳайкал ёнидан кўнглига бир ёруғ ниятни тугиб ўтар эди: “Худо хохласа, бир кун келарки, шу ҳайкал ўрнида Андижоннинг чин ўғлини Бобур мирзонинг сиймоси қад ростлағай!”

Ниҳоят, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида, шўролар мамлакатида “қайта қуриш” деган ҳара-кат авж олиб, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб турган пайт бузиб ташланаётган эски ҳайкал-нинг камёб бўлган бронза металини кўздан пана жойга яшириб, кейинчалик Бобур мирзонинг му-аззам ҳайкалини яратиш учун ишлатишга тақдим этган ҳам айни шу фидойи инсон эди.

Зокиржон ака умрини ўзи ихлос қўйган юрт-доши Бобур мирзо ҳаёти ва ижодига доир маълум-отларни, бадий асар ва илмий тадқиқотларни бутун дунёдан топиб, бир жойга жамлашдек, ма-

шаққатли ишга бахш этаётгани бор гап. Энди бир тасаввур қилайлик: барча улугларимизнинг мана шу Зокиржон устоздек жон чекарлари, тиним билмас, беминнат ихлосмандлари оёққа қалқан-нида юртдошларимизнинг бу улуглар тўғриси-даги билим ва тасаввурлари қанчалар бойиған бўлар эди...

Халқимизнинг истеъдодли шоира кизи — Қут-либеканинг Хонзадабегим лафзидан айтган мана бу қақриқларида парчаланган мерос она ер — она Туркестонининг XX асрга келиб тушиб қолган ҳолидан безовта, бироқ истиқлолдан умидвор халқ руҳини сезган, ўзи-да шу руҳ ила қулчангани уфуриб туради:

*Йўллар мундир — бораверинг, Бобуржон!
Йўллар тундир — бораверинг, Бобуржон!
Юрт тузай деб йўлга чиққан йиғишга
Йўллар ўндир, бораверинг, Бобуржон!..*

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг Бобур сиймосига ихлоси, унга бўлган эътиқод ва интилиши бир зум сусайган эмас. Бу кайфият шоирнинг “Баҳордан бир кун олдин” — Истиқлол арафаларида битган ҳам ўтти, ҳам армонли мисраларида мана-ман деб бўртиб туради.

Маълумки, Бобур бобоси Амир Темур син-гари ота юртида катта, мустаҳкам салтанат қур-моқчи орзу қилди, шу йўлда бошига тушган жар-мики ғаму кулфатга дош берди. Лекин бу ният амалга ошмади. Ҳар қанча уринмасин, бошқа темурийзодаларни шу буюк тарихий юмушга бош қўшишга мунтазам даъват этмасин, барча интилишлари бекор кетди. Ахйри Кобулда тахт қурди, Ҳиндистонни забт этди, лекин ватанини — Андижону Самарқандни қайта топа олмади.

Бобосининг мана шу ҳолини, аччиқ қисма-тини ич-ичдан ҳис қилган Хуршид Даврон Ватан — Онаси дийдорига сўнги бор тикилган мард ўғлон ҳолатини бизнинг — 80-йиллар авлоди-нинг ёдига мана бу тарзда муҳрлади:

*“... Заҳириддин, бу қандай савдо,
Қора ҳижрат сари юз тутмоқ?
Юрагингни этар-ку адо —
Турик туриб Ватандан кетмоқ?”*

*Заҳириддин, ортга бир қара,
Ортга бир боқ, токи сен омон,
Ахир кейин тушларингда ҳам
Бу тупроқни кўрмоғинг гўмон”.*

*От пишқириб тўхта, чавандоз
Узанига тирар оёгин
Ва бўзига тўплар беовоз
Вужудига тўлган штрогин.*

*Алам билан юраги урар,
Шивирлайди титроқ лаблари:
“Ҳамма ердан кўруниб турар
Самарқанднинг миоралари”.*

Шоир Қадам Саидмуродов юқоридаги асар-нинг бир мисраси (“Заҳириддин, ортга бир қара”)

эпиграф қилиб олинган шеърда бу аламли ви-лолашув саҳнасини охирига етказиб қўйгандек.

*Олга-олга, армонлар, қани,
Зулм қилинг шу кеча отга.
Қараманглар, қараган — ганим,
Кетмаймиз, қарасак ортга...*

Ҳаётнинг тақдирнинг шафқатсизлигини қарангки, Бобур билан бирга “Ҳинд сори юзлонгон” бошқа ҳар қандай кишида, жумладан, аскардан тортиб ошпазгача она юртга — Андижонга қай-тиш, Ватанга тўйиш имкони бор эди-ю подшоҳ Бобурда, қўлини чўзса ҳар қандай жойга етади-ган чексиз имкониятлар эгасида, шу оддий им-коният йўқ эди. Оддий аскар ва ошпазнинг қай-тиши билан Бобуршоҳнинг қайтиши ўртасида жуда катта фарқ шу эдики — токи салтанатлар яшар экан, ҳеч қачон йўқолмайдиган буюк кутку бош кўтараверади...

Токи мустақид тузумлар бўлар экан, Бобур-дек шахсларнинг нафақат ўз даврида, балки кейин ҳам халқ ёдига қайтишига тўсқинлик қи-лиш давом этаверишини Муҳаммад Юсуф “Ан-дждон” шеърда алам билан шундай ифодола-ганди:

*Қирқ йил чорла, гўрдан чиқмайди Бобур,
Чиқса ҳам бағринга сиймайди Бобур,
Ҳинду кучоғида ухлайди Бобур,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?..*

Яратганга шукри, миллатимиз, мамлаката-миз 1991 йил — ҳазрат Навоий номи билан ата-ган йилда ўз истиқлолини кўлга киритди. Юртга, элнинг ёдига унинг жўмрад фарзандлари қайта бошладди. Ўзбек ўзининг ким бўлганини, қандай улуг аждодлар меросхўри эканини қайта ан-глашга киришди. Худди шу йиллари XX асрнинг энг ўктам ва ўлмас шoirларидан бири Шавкат Раҳмон “Бобурийлар” номли шеърининг бирор ўрнида улуг аждоди исмини тилга олмай, мил-лат хотирасига қайтаётган барча маддакор сий-моларни шу ном остида ифодолади. Ва Сиз билан бизни ўзликни, миллатни англашдек масъу-лиятли ишга тайёр бўлишга, ҳаргиз ҳушёрлики йўқотмасликка, ҳақ-адолатга заха етказмай, юрт-даги учинчи дарё бўлиб уйғоқ яшашга мангу даъ-ват қилиб кетди:

*Улар келар...
Наҳот зиймган,
наҳот, улар бўлган хабардор
ишк дараь оралиғида
ҳақ-адолат топди деб қарор.
Биродарлар,
бўлиб эҳтиёт,
биродарлар,
йўлларга боқинг —
Тенари каби кекса очунда
сиз учинчи дарёдай оқинг.*

Раҳмон ҚўЧҚОР.

Нозик адабий завқ соҳибни

Заҳириддин Муҳаммад Бобурни Ҳиндистоннинг Биринчи Бош вазири Жаҳоҳарлаъл Неру ўзининг “Ҳинди-стоннинг кашф этилиши” асарида: “Уйғонш даврининг типик ҳукм-дори”, дейди. Инглиз тарихчиси Эду-ард Холден эса: “Юлий Цезарга қара-ганда юксакроқ фазилатларга эга ин-сон” деса, атоқли таржимон Уильям Эрскин: “Илм-маърифатга ихлос бо-расида Осиёда тенги йўқ подшоҳ”, француз олими Лен Пуль: “Нозик ада-бий завқ соҳибни, турмушни танқидий идрок эта олган олижаноб инсон”, дея юксак баҳо беради.

Тарих солномаларида қайд этил-ганидек, 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда дунёга келган Бобур мирзо 1494 йилда Фаргона, 1497 йилда Мо-вароуннаҳр, 1504 йилда Кобул, 1507 йилда Қандаҳор, 1511 йилда Са-марқанд, 1526 йилнинг 30 апрели-дан эса Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласи ҳукмдори эди. Бобур тузган буюк бобурийлар империяси қарийб уч ярим аср мобайнида ҳукм сурди.

Буюк сиймо шахсияти ва ижодиёти-нинг фидойи тадқиқотчиларидан бири

Нозик адабий завқ соҳибни

Аннет Беверингнинг таърифига кўра: “Бобур мирзо барлос туркларига ман-суб бўлиб”, Фаргона подшоҳи Умар-шайх мирзонинг ўғли, Султон Абу Саид мирзонинг набираси, Султон Муҳаммад мирзонинг чевараси, Ми-роншоҳ мирзонинг эвараси ва буюк Самарқанддан ҳеч киши келмасди. Агарчи шаҳар халқи менга нисбатан кўнглилик бўлсалар-да, бироқ Шай-бонийхоннинг кўрчинчидан ҳеч киши

бу ҳаёлни қила олмас эди”, деб ёз-ган эди. (“Бобурнома”. Тошкент. “Ўқи-тувчи”, 2018 йил, 148-бет).

Бобур “Бобурнома” асарини “Тан-ри таолонинг инояти ва коинот сар-вари бўлган ҳазрат Расули акрамнинг шафоати, покжўнғил чаҳорёрларнинг ҳиммати билан шеанба кун, рама-зон ойининг бешинчисида, саккиз оз тўқсон тўққизинчи йили Фаргона ви-лоятига ўн икки ёшимда подшоҳ бўл-дим”, деб бошлаган. Жаҳон тарихи-даги энг буюк салтанатлардан бири бўлган, бир неча асрлар давомида дунё харитасидаги салмоқли ҳу-дудни бирлаштирган сулоланинг юл-дузли онлари ҳам, жудодик доғлари ҳам кўп эди.

Бобур номидаги халқаро ил-мий-экспедиция раиси Зокиржон Машрабов бошчилигида мустақил-лик йилларида ҳазоннинг ўттизга

яқин мамлакатларига сафарлар уюштирилиб, шох ва шоир ҳаёти, ижоди, адабий мероси билан боғлиқ кенг қўламли ишларни урдалади. Сафарлар чоғида нафақат Бобур мирзо, балки она заминимизнинг фахр-ифтихорига айланган бошқа кўплаб буюк зотларнинг илмий, ада-бий мероси ҳам изланди, сўнги ман-зиллари зиёрат қилинди ва керакли ўринларда қайта таъмирланди.

Илмий экспедиция хориж сафар-ларидан юзлаб ноб кўлэмалар, но-дир китоблар, бетакор осори-атиқа-ларни юртимизга олиб келди. Халқаро жамоат фонди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийларга оид ноширлик ишларини ҳам бажармоқда. Академик А.Аъзам бош муҳаррирлигида 2014 йилда чоп этилган “Бобур энцикло-педияси” 2018 йили тўлдирилган нус-хада қайта нашр этилди. Фонд Заҳи-

риддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобур-нома”, “Мубайян”, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, “Бобур абадияти” (жамоа тўплами), Хондамирнинг “Ҳа-биб ус-сияр”, таникли инглиз адиби Румер Годеннинг “Гулбадан”, америкалик шарқшунос адиб Харольд Ламбинг “Бобур — йўлбарс”, Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома”, Вильям Рашбрукнинг “Ун олтинчи аср бунёд-кори”, Самуэль Бьоркнинг “Ақбар — бобурийларнинг энг буюғи” ва яна бошқа ўнлаб ноб китобларни ҳамда ўз адибларимиз ва хорижлик муал-лифларнинг ўттиздан ортқ янги асар-лари, романлари, монографиялари-нинг чоп этилишига эришти.

Бобур сиймоси кейинги йилларда юксак қадр-қимматини топмоқда. Ан-дждондаги Бобур номидаги миллий богда “Бобур ва жаҳон маданияти” экспозицияси, шoirнинг рамзий мақ-

бараси бунёд этилди. Улуг ватандо-шимизга муҳташам ҳайкаллар ўрна-тилди.

— Буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини улуглашга, унинг номи билан боғлиқ қадамжо-ларни обод қилишга, бебаҳо асарла-рини ўрганиш, бошқа тилларга тар-жима этишга, ёш авлод қалбида шу зот ҳақда бошқа улугларимиз ха-сиса эҳтиром уйғотишга эгирча шисса қўшадиган ҳар бир одамни бошимга кўтаришга тайёрман, — дейди Бобур номидаги халқаро илмий-экспедиция раҳбари З.Машрабов. — Биз Бобур илмий-адабий меросини пухта би-ладиган профессионал кишилар-нинг қимматли ташаббусларини қўл-лаб-қувватлашга, муҳим янгиликка дахлдор асарларнинг дунё юзини кўришида яқиндан ёрдам беришга бел боғлаганмиз.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Қорақалпоғистон минтақавий бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мадания

НУҚТАИ НАЗАР

Интернет матбуот ўрнини босмайди



Аксар мутахассислар Герберт Маршал Маклюэнни Ньютон, Дарвин, Эйнштейн каби буюк файласуфлар қаторига киритишади. Сабаби унинг қарашлари ахборот элтувчиси сифатида маълумотга айланганида. Бугун «The medium is the message» ҳамда глобал кишлок «Global village», яъни кишлоқларнинг шаҳарлашувини билдирувчи иборалар замонавий ғарб маданияти ҳамда менталитетининг асосига айланганидек, Маклюэн телевидениенинг жамиятга таъсирини, рекламанинг моҳиятини, интернет пайдо бўлганидан кейинги ўзгаришларни бундан қирқ йил аввал айтган эди.

Вақт кўрсатдики, ОАВнинг жамият тараққиёти ва маданияти, инсонлар ўртасидаги муносабатга таъсири қамайгани йўқ. Замонавий ахборот технологиялари тараққиёти натижасида журналистика амалиёти ва назарияси янгиланди. ОАВ фаолиятини оммавий коммуникация қесимида таҳлил қилишга туртки берди. Маклюэн башорат қилганидек, ўзаро мулоқотга киришувчи ҳар бир респондентнинг ўзи — маълумотга, он-лайн тизимдаги дунёга, яъни катта кишлоққа айлана бошлади. Эндиликда мутахассисларни босма матбуотнинг афзалликларини таҳлил қилиш, муаллифлик ҳуқуқини, этика меъёрларини қонунилаштириш, рекламаларнинг қанчалик самарадорлигини ўрганиш қизиқтирмакда.

Журналистиканинг муаммолари хусусида шундай деганди: «Ҳа, интернет миллионлаб одамларга расмий ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Лекин у жамият учун кўтаришган муаммонинг моҳиятини таҳлил қилиб берувчи шарҳларни тақдим эта олмайди».

Кўрсатишга ўтади. Шундан ҳам мутахассислар рақамли медиа-нинг босма матбуотнинг ўрнини босишидан чўчишмоқда: «Энди гипер ўзгаришлар даври келди. Улкан молиявий инқироз ҳамда рақамли медиа-нинг тараққиёти этиши рўзномалар бозорида ўзгаришлар ясади. Обуналарнинг ҳажми қамқайиши кузатилса-да, умумий сотув ўсмокда. Аудиториянинг умумий қамровида рўзномалар интернетга нисбатан 25 фоиз самаралироқдир. Чунки, рўзномаларни 2,5 миллиард ўқувчи мурола қилса, интернет истеъмолчилари 1,9 миллиардни ташкил этади», дейди А.Уайт. Сабаби аудиторияни аънавий журналистиканинг афзалликлари жалб этади. Албатта, бунда интернет журналистикаси кўтарган бир қатор муаммолар ечимисиз қолаётганига ҳам бефарқ қараб бўлмайди.

Журналистика борасидаги аънавий тушунчалар нималардан бошланади? Аввал-бор, ҳар қандай маълумотнинг муаллифи бўлиши керак. Уни ёлгон гап ёки ҳақорат учун судга бериш мумкин. У ўзининг сўзи учун жавоб бериши зарур. Бу — журналистиканинг асосидир. Wiki да эса ҳар доим ҳам муаллифини топиб бўлмайди. Натижада турли воқеа-ҳодисаларга нисбатан бир дунё норозиликларни эшитамиз. Улар ижтимоий онга бевосита таъсир кўрсатади. Интернетдаги wiki журналистикасининг фаолияти шу».

Интернет журналистиканинг ижтимоий аҳамиятини босма матбуот манфаатлари нуктаи назардан эмас, балки аудитория учун яратилаётган қулайлик қесимида ўрганилганда шундай фикр туғилади: интернет истеъмолчилари шунчаки ахборот истеъмолчилари бўлишмапти — улар тахрир аралашини, муҳаррират билан ҳамкорлик қилишни исташмапти. Улар маълумот тезлик билан олинишни, ўз нуктаи назарларини ифодалашини, журналистик текширувларда иштирок этишини, воқеа-ҳодисаларни аниқлаштиришни, фо-

толар юборишни хошлашмапти. Кўпинча эплашолмаётган бўлса, бу уларнинг айби.

Интернет журналистиканинг энг катта муаммоси муаллифлик ҳуқуқи ҳамда этика меъёрларининг бузилишида кўринади. Маълумотларнинг ишонсизлигига келганда, унинг афзалликларига қайтарили алоқа — интерактивликни таъкидлашдан илҳом олоқимиз йўқ. Чунки аудитория вакиллариининг ўз фикрини тўла баён этиши, журналистларга ҳаммуаллиф бўлишидек имконияти йўқ. Журналистлар халқаро федерациясининг президенти Джим Булила «New York Times» рўзмонаси ҳақида гапирган экан: «New York Times» ижтимоий тармоқлар билан доимий интерактив алоқадан бўладиган журно-хакерлар бўлишини очиб, «ижтимоий муҳаррир» тайин этган биринчи газеталардан. Ушбу бўлимини бош қараётган Арон Пихофернинг фикрича, ахборот оқимининг таҳлили барча воқеа-ҳодисалардан ҳабардор бўлиш билан бирга, уларнинг орасидан катта ҳиссага сабаб бўлувчи маълумотларни топиш имкониятини ҳам яратди», деганди.

КЕЧИНМА

Инсон номи мағрур жаранглайди ёхуд ҳақиқий ЭРКАК қандай бўлади?

Болалик. Сен тенгилар эртадан кечгача стадионда тўпнинг орқасидан юргани юрган. Дарсдан қайтишида хохлайсанми-йўқми, сўқмоқ йўл уларнинг ёнидан ўтади. «Ошир», «Ундан ўт», «Жарима тўлини бер», «Гол!» каби қийқириқлар ичида паришон хаёлларнинг билан андармон бўлиб юрганида, кўзлари сенга тушади:



— Кел, қўшил.
— Йўқ, дарсим кўпроқ эди. Эртага имтиҳоним. Она тилидан олимпиадага... Гапинг бўлинади. Сўзингни тугатмасдан камситувчи овоз янграйди:
— Э-е-е, эркакмисан ўзи?!
Уйин давом этади...
Адабиёт дарси. Ижодга бўлган меҳринг туфайлими, асарларни кунт билан ўқиб, шезь-у дostonларни соатлаб ёддан айтардинг. Табиатан ўғил болалар эринчок бўлади. Синфингдаги 20 нафар йигит қилмаган вазифани бир сенига бажарсан, қолганлар ёнида ҳурматинг йўқолади. «Эркакмасакансан!» деган таънани эшитмаслик учун «Кемага тушганинг жони бир», муаллимадан дақиқа эшитасан ва табиийки, эртасига мактабдан чақирув хати келади. Даданг уйнинг эркаги бўлгани учун бундай «майда масалалар»га аралашмайди, мажлис-у йиғилиш-бозилар доим онангинг чекига тушган. Бошқа ота-оналар сингари волиданг ҳам таъна-ю дашномларга қўмилади, юзинг шувит бўлиб, кўзингда ёш милтиллайди, бўғзингга нимадир тикилади. Лекин йиғлолмайсан. «Фалончи эркак бўла туриб, йиғлаб юрибди», деб устиндан кулишларини ўйлашсан-да, ўзингни тиясан...
Кишлоқдаги барча ёшлар сингари болалигинг йил овда ўтган. Доим бир хил хаёт: тонг сахарлаб уйкунг очилмасдан, сариёғ сурилган қонни «кавшаб», молларни ҳайдайсан, кечга қараб тоғдан эндирасан. Тушгача уканг боқади, пешиндан кейин сен. Мактабда дарс вақти шундай тақсимланган. Яйловда кишлоқнинг энг олди тўдабошилари қартабозлик қилади. Ақралиб қолмаслик учун уйинга тушунмасанг-да, томоша қилсан. Гоҳида кимларнингдир қистовида тенгдошларинг билан жанжаллашсан, кураш тушсан. Кунда бир еринг моматалоқ! Бу «машгулот»лар сенга ёқ-

масдан («Ахир, эркаксан») нима дейишса хўп деб, бошингни ҳам қилиб тураверасан: етқизганига шукур!
«Биз хали оёққа турамиз», «Елкамиз офтоб кўради», «Корхонамиз ривожланиб кетади», «Иш бошқарувчим бўласан»... каби охири йўқ ваъдаларга учиб, зах ва қоғоз, бўёқ хиди бурқсиган наشريётда уч ой (қ) ишладинг. Чўнтақларинг раҳматга, университетда журналдаги исминг тўғрисидаги бўш каттакчалар эса «НБ»га тўлди. Сен эркак бўлганинг ва бошлигинг эркаклиги учун чидадинг, тишини тишга қўйиб, сабр қилдинг... Тинмай ишладинг, ҳақинг — «Биз ривожланиб кетамиз», «Сени раҳбар қиламан», «Иш бошқарувчим бўласан»...
Хўш, эркак сўзининг маъносини нима ўзи? Бу жумланинг туб моҳиятида ким мужассам-у, одамлар уни ниқоб қилиб, ортига кимни яширяпти? Бобонг ҳақиқий эркак оиласининг чинакам қалқони, фарзандларининг «қахрамон»и бўлади, дерди. Сенга дўстининг ёрдамга муҳтожлигини кўзидан сезадиган, кўлидан келмайдиган ишга ваъда бермасдан, гапининг устидан чиқиб, жамиятда бир қадам олдинда юрадиган мукамал инсон эркак, деб уқтиришсан. Болангнинг эндида кийими йўқ, оиланг қотган нонни сувга ивितिб еяётган бир шароитда кўшнингнинг ўғли велосипедни миниб, чоқокмер сурилган ширмови нонни кўз-кўз қилганча уйингга келганини кўргангинг — йигитинг сингани бўлади!
Қишлоқингда «Эркак ёзда ишламаса, сигир қишда ўлади» нақлига амал қилиб, тенгдошларинг каби оғир-у энгил меҳнат билан бирга улгайсан. Шаҳарга ўқишга келиб, ҳар хил жойда ижара турдинг, турли одамлар билан қўшни бўлиб, суҳбатини олдинг. Уларни кўриб, беихтиёр ўзингга гулдирайсан: «Чопон кийган ҳар киши эркак бўлавермайди!»
Инсон номи мағрур жаранглайди. Ҳар гапининг бирида эркак сўзининг сийқасини чиқараётган айрим «эркак»ларга «Эркакмисан?», дегинг келади. Ҳақиқий эркакка қилич тигидан сўз тиги ўткироқдир.

Абдулазиз АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

АКС-САДО

«Хуррият» газетасининг шу йил 22-январь сонида журналист Ҳикматулло Кодировнинг «Эхтиёж туғилганда гаплар... эмни» сарлавхали мақоласини ўқиб, бутунги куннинг долзарб мавзуларидан бири каламга олинганлигига амин бўлдим. Дарҳақиқат, бутун аксар нашрлар жиддий синовдан ўтаёттир. Муаллиф таъкидлаган баъзи бир мутасаддилар, гўё мажбурий обуна йўқ қабилда иш тутиб, ўзини ҳам, жомоасини ҳам маърифатсизлик ботқоғига ботирапти.

Тош деворга карнай чалиб...

Яқинда вилоятимиздаги маънавият соҳасида ишлайдиган ўзимга яхши таниш бўлган бир раҳбарнинг ҳузурига бордим. Ўзтиборимни тортгани — илгари унинг иш кабинетига «Г» шаклида столлар терилган бўлиб, уларда вақтли матбуот нашрларининг деярли барчаси бўларди, баъзан таъинишга улгурмаган газеталаримни шу ердан кўриб, бирров танишиб кетардим. Бу гал эса...
— Қани, бу газета-журналлар кўринмайди? — сўрадим ундан.
— Мана, буниси турибди-ку! — қаршисидаги компьютерга ишора қилди у.
Маънавият соҳасига тегишли раҳбардан шу жавобни эшитиб, рости, лол қолдим. Пойтахтдаги нашрлар-ку, албатта, ўз йўлини топа олар, аммо вилоят, туман нашрлари-чи?... Эҳ аттан...
Андижон вилотидаги қатор газета ва журналлар 2020 йилдан ўз фаолиятини тўхтатди. Масалан, «Холис», «Водий гавҳари», «Қишлоқ оқшоми», «Ёшлар ва ҳуқуқ» каби нашрлар шулар жумласидан. Туман нашрлари амал-тақал қилиб, кези келса, уч-тўрт юзтадан чиқиб турибди. Бу — йил бошидаги ҳолат. Ярим йилга бориб, уларнинг шундоғам ночор адади яна қамқайиши мумкин. Яхши маълумки, ОАВларида эълон қилинган материаллар йиллаб сақланади. Архивлардан ҳатто ўнла аср бошида чиққан газета-журналларни топиш мумкин. Аммо компьютер босма матбуот сингари ишончли манба бўла олмайди. Газетани эса йиллар ўлчамидagi тахлмдан топиш осон ва қулай.
Начора, юқорида тилга олганим мутасаддиларнинг бекорчилиги-ю бефарқлиги, маънавиятчиларнинг (аслида бу бир баҳона, ўқимайдиган интернетдан ҳам ўқимайди) фақат интернетга «суяниб» қолгани ачинарли ҳолат...
Мақола муаллифи таъкидлаган мансабдорларга фақат шов-шувли хабарлар, яъни

бугун фалон сайт нима дебди, қайси ҳоким кимни сўқибди янглиг олди-қонди гаплар бўлса, бас. Ҳаммага маълум, бу каби тоифалар илгари ҳам ёлчиб газета ўқишмаган. Бўлмаса, улар вақтли нашрларнинг афзалликларини ҳис этган, муносабат билдирган, ўзлари ҳам жонли материаллари билан матбуотда қатнашган бўлар эди.
Яна бир вазифа ўрға айланаяпти, турли соҳаларда матбуот қотиблари ишляяпти. Тўғри, матбуот хизматларида фаолият юри-таётганларнинг ҳаммаси ҳам, олий маълумотли журналистлар эмас. Шу тариқа, айри туманларда фаолиятини тўхтатган ёки тўхтатиш арасидада турган нашрлар раҳбарлари осонгина матбуот қотибчилигига ўтиб ҳам кетишибди. Энди уларга ҳам босма нашрлар тақдири барибирдек бўлиб қолди.
Энг ёмони, баъзи олий ўқув юртиларида бирон-бир газетгага обунага ташкиллаштирилган декан ёки проректорларнинг боши «ба-ло»га қоляяпти. Ахир, улар ўз шахсий томорқаси учун обуна бил демаепти, балки газета ўқинглар, Президентимиз фармонлари, қарорлари билан танишиб боришглар, билдирилган муносабатлардан илҳом олиб, сизлар ҳам ўз фикрингизни керак бўлса матбуот орқали айтишглар, деяпти. Бунинг нимаси ёмон?
Хулоса қилиб гапирганда, газета, журнал, умуман, оммавий ахборот воситалари давр ва замон кўзгуси. Ундан юз ўтирган киши — қомиллик сари интилмаган киши каби. Ҳ.Қодиров айтганидек, давлат обуна учун пул ажратишини кутиб турадиган, «юқори»нинг кўрсатмасисиз нафас ҳам ололмайдиган қуйи тизимдаги айрим мансабдорларга фақат ачиниш мумкин, холос. Мудраган идрокни уйғотиш, маърифатга чақиритишга уриниш, тош деворга карнай чалгандай бўлмаслиги керак, назаримда.
Икромжон АСЛИЙ.
Андижон вилоти.

Ўтмишнинг ҳар бир обидаси бугунги давр одамлари учун ҳайратланарли туйулиши табиий. Чунки меъморий жиҳатдан афсоналардагидек таассурот уйғотадиган минора-ю мақбараларни томоша қилган кишининг қалби энтикиб кетади. Шундан бўлса керак, кўпчилик уларнинг ёнида суратга тушиб, видеотасвирлар олишга шошилади. Бироқ тарихий обидалар ёнида сурат ва видеотасвирга тушишнинг ҳам ёзилмаган ўз қоидалари бор.

Қабр устида кўшиқ айтиладими?

Кейинги пайтларда қатор телеканалларда ёш хонандаларнинг клиплари ана шундай тарихий обидаларда тасвирга олинаётганига гувоҳ бўламиз. Бу бир томондан яхши, зиёрат туризмни ривожлантиришда ўзига хос тарғибот вазифини ўташи мумкин. Лекин айрим клипларнинг машҳур авлиё ва алломаларнинг мақбараларида олинаётгани, айрим ўзларини "бетакрор" санъаткор ҳисобловчи "юлдуз" ва "юлдузча"ларнинг беўхшов хатти-ҳаракатлари кўнгилда оғриқ уйғотмоқда.

Пахлавон Маҳмуд мақбараси Хивадаги энг нақшинкор обида бўлиб, ўзининг мавий қосинлари билан тақдорланмас ва бошқаларига ўхшамайдиган даражада тенгсиз саналади. Шунингдек, ушбу мақбарага кираришда чап томонда Қўнғирот сулоласига мансуб Хива хонлари ва уларнинг авлодлари дафн қилинган. Хонанд клипдаги жойнинг шундоқ ёнида эса "Шажараи турк" ва "Шажараи тароқима" асарларининг муаллифи Абулғози Баҳоуддин қабри бор...

Клипнинг қолган қисмлари эса Исломуҳжа мажмуасидан шундоқ чиққан жойдаги гумбазлар ёнида тасвирга олинган. Бу жойларда улғ аждодларимиз ҳоқлари ётгани ёш болага ҳам аён-ку!

Нафақат вилоят, балки пойтахт телеканалларида ҳам муқаддас қадимларда тасвирга олинган клиплар тез-тез намоиш этилмоқда.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

ТАРБИЯ

Инсон тани ва қалбини пок тутмоқни улғ Навоий ҳазратлари қисқа ва лўнда ифода этадилар:

Қамол эт касбким, олам уйидин,

Сенга фарз ўлмағай гамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамам ўтмак, биайниҳ,

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Она хотиржам, бола эса...

ёки гўдаклар саломатлиги ва тарбиясига салбий таъсир қилаётган "қулайлик"



Демак, инсон ҳаммомда танини покласа, маънавий етуклик ила қалбини поклар экан. Агар етукликка эришолмай жаҳондан нотамам ўтса, бу байни ҳаммомга кириб, нопок ҳолда чиқмоқ кабидир, дейди улғ бобомиз.

Маълумотларда келтирилишича, биргина қўлни ювмасдан овқатланишнинг ўзидан дунё бўйича неча минглаб одамлар ҳаётдан турли касалликлар орттиргани ҳолда кўз юмар экан. Соғлом инсон — табиатнинг бебаҳо неъмат, уни таъминловчи жисмоний ва руҳий покликнинг аҳамияти эса бебаҳо, беқиёс. Нақдда айтилишича, ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан афзалроқ бойлик қолдира олмайдилар. Демакки, яхши тарбиядан афзал бойлик йўқ ва яхши тарбияли фарзанд ота-она саодатидир.

Бола тарбияси ҳақида гап кетар экан, кўпчиликка маълум ва машҳур бўлган қадимий бир ҳикоят ёдга тушади: бир ёш ота-она фарзанди тарбиясини барвақт бошлаб, уни келгусида қомил инсон этиб воғга етказиш мақсадида донишманднинг ол-

дига олиб борди. Донишманд она қўлидаги чақалоққа қараб, унинг неча ойлик бўлганини сўради. Ота гўдаги ҳали жуда кичик, туғилганига эндигина етти ой бўлганини ва уни тарбиялаш ҳақидаги ниятини айтди. Шунда кекса донишманд афсус билан бош чайқаб, болани тарбиялашда етти ой кеч қўлибсизлар деган экан.

Замонавий илм-фан ва педагогика ҳам бу ҳикматни асло рад этмайди, аксинча, уни янада ривожлантириб, чуқурлаштирган ҳолда, тарбияни бола она қорнидаёқ бошлаш лозимлигини таъкидлайди. Айтишларича, она қорнидаги гўдагига яхши ниятлар, эзгуликларни сингдириб бориши, меҳр-оқибат, ҳалоллик, мардлик ҳақида эртақлар айтиб бериши, мумтоз куй-қўшиқларни эшитириши лозим экан. Она ҳомилдорлик даврида қаттиқ асабийлашиши, ёмон одатлардан, ўзаро жанжаллардан тийилиши керак бўларкан.

Шу ўринда болалар тарбиясидаги бир ёш ота-она фарзанди тарбиясини барвақт бошлаб, уни келгусида қомил инсон этиб воғга етказиш мақсадида донишманднинг ол-

кўпайиб кетаётган болалар тагликлар — памперслар рекламасига бир эътибор беринг-а: "LaLaku", "Mapkens", "Jonny"... ва бошқалар. Аввало, ёш оналарга яратилаётган қулайлик, орасталик жуда яхши, албатта. Бу ҳаётини зарурат эканлиги ҳам ҳақиқат. Бир қарашда бу — орасталик замонавий тарбиядек кўринади.

Чунки, ҳозирги памперслар болага ҳам, онага ҳам катта қулайлик яратади, бола бир неча соатлаб, ҳатто кун бўйи ва яна тун бўйи битта памперсда юриши, ухлаши, уйнаши мумкин. Бундан ҳам яхшиси бўлиши мумкинми, дея ўйлаб қоласан. Аммо айнан мана шу ҳолат, анқироғи, бу қулайликни суистеъмол қилиш боланинг табиий эҳтиёжини ифода этиш инстинктини йўққа чиқара боради. Бошқача айтганда, боланинг тарбияси шу орқали бузилади. "LaLaku"лар тарғиботи натижасида болани "тўсиб олиш" тарбиясини мутлақо бузиб юбормоқда. Ахир рекламага бир қаранг: бола "LaLaku" билан қадам ташлаётти. Бола ўзи тенги қизга "LaLaku" тўла қўтичани катта завқ билан совға қилмоқда ва қиз

► Катта ёшдаги болалар учун ундан фойдаланиш асло тўғри эмас. Қолаверса, памперслардан вақти-бемаҳал фойдаланавериш инсон танасига зарур бўлган табиий ҳаво алмашиш жараёнини бузади ва бу ҳар хил тошмалар тошишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан-да ёмони, тагликлар вужудга келтирадиган бўғиқ шароит ўғил болаларда мойяқлар ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

эса уни ҳайрат ва мамнуният билан қабул қилиб олмақда. "Mapkens" тагликларини кийиб олган болалар футбол кийимлари ва... "Mapkens"ли киз худди шу "форма"да дарвозада турган болага гол урмоқда. "Шунақа бўлади!", дея писанда қилиб қўйяпти ҳам. Мана памперслар кучи, рағбати!!!

Аммо аллақачон ахлатга тўлиб бўлган "тўрва-халта"ни кўтариб юрган бола ҳолатидан она шод, бахтиёр. "LaLaku": хотиржам бола — хотиржам она! Бола ҳам одамча, у ҳам фақат она! Бола бурнидан эмас, балки бадан орқали ҳам нафас олиши керак.

Жўжи Хоразми истило қилганида шу масжидда ибодат қилаётган мусулмонларни ўшу қари демай қиличдан ўтказган экан. Айрим шахсларнинг қабри масжид ичида ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Хива — мафтункор ва афсонавий тарихий обидалар маскани бўлиш билан бирга, улғ аждодларимиз ҳоқиётган манзил ҳамдир. Шу боис унинг қайсидир жойида кўшиқ айтиш, рақсга тушиш ёхуд шунчаки ўйин-қулғу қилишдан аввал фаросатни ишга солиш керак. Табаррук масканларда кўшиқ айтиш миллатимизга ярашмайдиган одобсизлик эканини билишимиз, билмаганларга эса билдиришимиз керак. Зеро, қабрлар ҳошида кўшиқ айтилмайди, ўйинга тушилмайди, аксинча, муқаддас Қуръон тиловат қилиниб, савоби ўтган улғ зотлар, жамми марҳумларга бахшида этилади.

Эрпўлат БАХТ.

ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

Корейслар тарих яратишди

АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида "Долби" театрида "Оскар" мукофотларини топириш маросими бўлиб ўтди.

2020 йилги тақдиротда энг яхши актёр "Жокер" фильмидаги ижроси учун Хоаким Феникс, энг яхши актриса эса "Жуди" фильмининг бош қаҳрамони Рене Зеллвегер бўлди.

Бу сафарги тақдиротда тарихий ҳодиса кузатилди. Энг яхши хорижий фильм бўлишга асосий даъвогар бўлган Жанубий Корейнинг "Паразитлар" фильми нафақат ушбу йўналишда, балки йилнинг энг яхши фильм номинациясида ҳам ғолиб чиқди. Шу тарих, тарихда илк бор инглиз тилида бўлмаган фильм бош мукофотга лойиқ кўрилди.

Статуеткани энг кўп қўлга киритиш бўйича "Паразитлар"дан кейинги энг яхши натижани "1917" фильми қайд этди. "Паразитлар" эса Канада ҳам, "Оскар"да ҳам бош мукофотни қўлга киритган тарихдаги тўртинчи фильмдир.



АҚШда 4 нафар хитойлик айбланди



АҚШда 4 нафар хитойлик 145 млн. кишининг шахсий маълумотларини ўғирлашда айбланмоқда.

Улар қўлга фуқароларнинг исм-шарифлари, туғилган саналари ва ижтимоий суғурта рақамлари ҳақидаги маълумотлар тушган.

АҚШ бош прокурори Уильям Барр хитойликларга АҚШнинг "Equifax" кредит тарихи бюроси компьютер тизимларини бузиб кириш, тижорат сирини ва америкаликларнинг шахсий маълумотларини ўғирлаш айбловини илгари сурди. Маълумотларига қўра, айбланувчилар Хитой илмиясига қарашли тадқиқот институтларидан бирида ишлашган.

Орбитага чиқа олмади

Эрон "Simorgh" (Семурр) ракета-ташувчиси ёрдамида "Zafar" сунъий йўлдошини орбитага чиқарди.

Ракетанинг учурилиши ва барча тайёргарлик жараёни ҳеч қандай кўнгилсизликларсиз ўтган. Ракета Имом Хумайний номидаги космодромдан учурилган.

Бироқ старддан бироз ўтиб, сунъий йўлдош белгиланган орбитага етиш учун кераклик тезликка эриша олмаган. Дастлаб сунъий йўлдошни 530 км. баландиққа чиқариш режалаштирилганди.

Австралиядаги ҳалоскор ёмғир




Австралиянинг ўрмон ёнғинларидан азият чекаётган Янги Жанубий Уэльс штатига кучли довул ёпирилиб, у олиб келган ёмғирлар шатт худудда 74 кундан бери давом этаётган ёнғинларни ўчирди.

Бу ҳақда "7news" маҳаллий канали хабар берди. Маълум қилинишича, ёмон об-ҳаво оқибатида 100 мингдан кўпроқ одам, жумладан, Сидней аҳолиси электр таъминотисиз қолган.

Айни вақтда довулдан 6 киши жабрлангани маълум қилинган. Таъкидланишича, довул вақтида Сидней соҳиллари яқинида баландлиги 14 метргача етган тўққинлар кузатилган.

Мақтабда "Қирол шер" фильми

Шу сабаб "Disney" компанияси раҳбари Боб Айгер: "Компаниямиз Эмерсон бошланғич мактабидан узр сўрайди, уларнинг маблағ йиғиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш учун шахсан ўзим хайрия пули ажратман", деди Айгер.



Маълум бўлишича, "Movie Licensing USA" фирмаси юристлари 2019 йил ноябрда мактабдаги хайрия тadbирларида "Қирол шер" мультфильмининг киноталқини намоиш этилгани учун 250 доллар жарима тўланишини талаб қилган. Фильм ёзилган дискни ўқувчилардан бири уйдан олиб келган. Хайрия тadbирига чипта нархи 15 доллар бўлиб, жами 800 доллар маблағ йиғилган, деб хабар бермоқда "CNN". Ушбу тadbир Калифорнияда мулк солиғи ставкалари ўзгарганидан кейин мактабларни молиялаштириш қисқаргани сабабли мактабга пул тўплаш мақсадида ўтказилган.

Натижада "Disney" раҳбари Роберт Айгер "Twitter" орқали жамоатчиликдан узр сўради.

"Биз айсбергнинг учини кўриб турибмиз"



ЖССТ бош директори келажакда янги "2019-nCoV" коронавирусининг Хитойдан ташқарида тарқалиши тезлашиши мумкинлигини истисно этмади.

Барча мамлакатлар раҳбарларини ўз худудларида инфекция пайдо бўлишига тайёргарлик кўришни, вазиет мутахассислар ҳозирги кунда тахмин қилаётганидан жиддийроқ бўлишни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати (ЖССТ) бош директори Тедрос Аданом Гебрейесус "Twitter"даги саҳифасида ёзди.


ЖССТ раҳбарининг таъкидлашича, Хитойда бўлган кишилар томонидан вируснинг янги турини юктириш ҳолатлари қайд этилган. Бу юқумли касаллик бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалиши мумкинлигидан далолат беради. "Қисқача айтганда, биз айсбергнинг учини кўриб турибмиз", дейди Гебрейесус.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси

Тожибой АЛИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аҳли ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ, журналист.



Реклама ҳуқуқи асосида

Маҳсулот сертификатланган.

Сирдарёда йирик ун тегирмони иш бошлади

ПРЕСС-ТУР

Мустақиллик йилларида Республикаимизнинг турли жабҳаларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам ҳар жиҳатдан қатор қулайликлар яратилди. Унинг шаҳар ва қишлоқлари обод бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди.

Давлатимиз раҳбарининг Сирдарёга ташрифи чоғида берган топшириқларига асосан, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги тармоқларида қиймати 6,3 триллион сўмлик 302 та лойиҳа амалга оширилиб, 15 минг 458 та янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган эди.

Президентимиз вилоятда саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, туманларда саноат деярли йўқ эканини қайд этганди. Шу боис вилоятга қўшимча инвестициялар олиб келиш, тадбиркорлик ташаббусларини юзага чиқаришга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни белгилаб берганди.

Шунга кўра, ҳудудда "Сирдарё эркин иқтисодий зонаси" ташкил қилинган. Эндиликда мана шу ҳудудда яна бир йирик лойиҳа — Туркия технологиялари асосида ун ишлаб чиқарувчи "АРИМЕХ" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Қозоғистон

қўшма корхонаси иш бошлади. Шу муносабат билан АТБ "Қишлоққурилишбанк" ОАВ ходимларига пресс-тур ташкил этди.

Корхона кунига 350 тонна бугдойни қайта ишлаб, 260 тонна ун ишлаб чиқаради. Бу дегани ойига 10 минг, бир йилда 130 минг тонна тайёр маҳсулот демакдир.

"АРИМЕХ" МЧЖ Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонаси директори Нодир Нурмухаммедов куйидагиларни гапирди:

— Корхонамизда 100 га яқин иш ўрни яратилди. Мақсадимиз ички бозорга арзон ва сифатли маҳсулотни етказиб бериш, қолаверса,

экспортни ривожлантириш. Асосий инвестициямизнинг қиймати 4 миллион АҚШ доллари қийматига тенг. Шундан, 50 фоизини "Қишлоққурилишбанк"нинг имтиёзли кредитидан фойдаланган ҳолда ташкил қилдик. Маҳсулотимизни "Эъзоз" бренди асосида ишлаб чиқараяпмиз. Уннинг 20 фоизини экспортга, 80 фоизини ички бозорга сотиш режалаштирилган. Дастлабки маҳсулот тез кунларда Афғонистонга йўл олади. Шунга асосан, экспортдан 22 800, 0 миллион сўм эквивалентида, ички бозордан 92 500, 0 миллион сўмлик тушум режалашти-

рилган. Таъсисчиларнинг улуши 35 фоиз, ўзимизники эса 65 фоизни ташкил қилади. Келажакда макарон маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқариб, халқимиз дастурхонига тақдим этиш ниятимиз бор. Бугдой Қозоғистондан келтирилади. Албатта, маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилгани ҳисобига таннархи ҳам анча арзон. Технологиялар эса Туркиядан олиб келиб ўрнатилди. Бу бизга нарх, сифат жиҳатдан ҳам кўпроқ манфаат келтирмоқда.

Заводимизда олий ҳамда биринчи ва иккинчи навда ун ишлаб чиқарилади. Унимиз, албатта, асосий витаминлар, қолаверса, темир моддаси билан бойитилган. Бундан ташқари, чорвачилик учун кепак маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Фоиз ҳисобида айтадиган бўлсак, 75 фоизи ун, 23 фоизи кепак, 1 фоизи чиқинди. Лекин шу 1 фоизини ҳам чорвага емиш сифатида ишлатса бўлади. Демак, бу дегани ҳудуддаги маҳаллий чорвага озуқа базаси нархининг барқарорлаштишига ижобий таъсир қилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, корхона "Сирдарё эркин иқтисодий зона"сида жойлашганлиги сабаб ер, мол-мулк солиғида имтиёзлар берилган. Жойлашиш жиҳатдан маҳсулотни тарқатишга қулай ҳудуд танланган. Афғонистондаги ҳамкорлар билан тузган шартнома ҳам бежизга эмас, сабаби Афғонистон унни Қозоғистондан Сирдарё орқали транзит усулда олиб ўтарди.

— Ушбу лойиҳа АТБ "Қишлоққурилишбанк"нинг 2 363 932,0 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ҳамда лойиҳа ташаббускор-



Ў.А. фотолари

ларининг 1 миллион 300 минг АҚШ доллари қийматидаги маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Чет эл инвесторларидан, хусусан, Қозоғистондан 300 минг АҚШ доллари миқдоридида хоржий инвестиция жалб қилинди. Натижанда ҳудудда ана шундай истиқболли корхона бунёд этилди.

"АРИМЕХ" МЧЖ Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган бўлса-да, Сирдарё туманида, саноат индустриал зона ҳудудида амалга оширилмоқда. АТБ "Қишлоққурилишбанк" Тошкент шаҳар минтақавий филиали банк тизимидаги энг йирик муассасалардан бири ҳисобланади. Филиал томонидан 20 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бугунги кунда уларга ажратилган хоржий валютада кредитларнинг умумий миқдори 20 миллион АҚШ долларидан ошқ қийматга эга.

Айтиш жоизки, навбатдаги лойиҳа банкнинг жорий 2020 йил ҳисобида биринчи йирик лойиҳаларидан бўлди. Ҳозир яна иккита лойиҳамиз тайёр турибди, улардан бири молиявий соғломлаштириш бўйича очиладиган туристик зона — "КРОКС ЛЮКС" яқин кунларда ишга тушиши керак. Олдин тўрт юлдуз талабига жавоб бера оладиган меҳмонхона қурилади, — деди АТБ "Қишлоққурилишбанк"нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш маркази раҳбари Раҳматулла Фозилов.

Пресс-тур иштирокчилари корхонадаги янги технологиялар, хомашёнинг тайёр — ун маҳсулотига айлантирилиши, ишчиларга яратилган қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

Зухра ҲАСАНОВА



ХалқБанки

**АТ Халқ банки
Ўзбекистонда
ишлаб чиқарилган
юк мотоцикллари учун
кредит ажратишни
бошлади.**

Юк мотоциклга кредит!

**Ушбу кредит
аҳоли
даромадлигини
ошириш ҳамда
юк мотоциклларига
бўлган талабни
қондириш мақсадида
ажратилади.**



**Кредит
2 йил муддатга
йиллик
27,4 фоиз
устама билан
ажратилади.
Юк мотоцикли
баҳосининг
10 фоизи
кредит олувчи
томонидан
олдиндан
тўланади.**

Хизматлар лицензияланган.

Батафсил маълумотни банкнинг xb.uz сайтидан олишингиз мумкин.

МШЕЪРИЯТ

Шабнамли дарахтлар ярқираб кетди

Ватан

Тунлари чўе каби ялтирар юлдуз,
Кундузи оловдай ёнади офтоб.
Иссиқ кунларида ўриклар гуллар,
Иссиқ тупрогида ўсади пахта.

Ёмғирлар ёғади, шамоллар эсар,
Гўё ийқ ҳеч қандай мўъжиза-ю сир.
Барибир қувончим, армоним билан
Шу ерда яшагим келар бир умр.

Қувонч

Тоглар елкасига сигмаган ирмоқ—
Сасидан сукунат эшиги синди.
Раггин чечакларга айланди тупроқ,
Заминнинг чироғи энди билинди.

Қуёшни ки бўлди бетоён само,
Нурларнинг йўллари узайди.
Орзули-ҳавасли кунлар беором
Новдаларни гуллар билан безайди.

Илдиздан бошлаб учига қадар
Гулга тўлиб кетди оғочлар жисми.
Боғларда адашиб қолди шабада,
Рагидан мастми ё бўйдан мастми?..

Офтобнинг анҳорга чизган нақшини
Мажнунитол кун бўйи кўриб тўймайди.
Юксакда кўйламоқ шунча яхшими,
Одамлардан кўпроқ қушлар кўйлайди.

Яна ўз ранглари қайтган бағрингда,
Юртим, кўнглим тўлиб юриб қувондим.
Яна куз захмати, қшининг захридан
Омон чиққангини кўриб қувондим.

Ўзбекистон. Баҳор

Қуёш — бир меҳрибон:
тоғларнинг бўйига минган муз— юқни
оҳиста итариб туширди.

Лолалар ақлли:
анорранг кўйлақ кийиб, тошларнинг
кўрмисиз жойларин яширди.

Ялтирар куюнчақ:
икки қироқаро сиқилмасин деб,
баравар кўтарди бари қошига.
Дарахтлар бир аҳил:
шавқ билан қўлига тизган гулларни
баравар кўтарди бари бошига.

Қизгалдоқ журъатли:
томларинг устига юзуриб чиқиб,
шамолда йиқилмай турибди кулиб.

Булутлар фидойи:
марварид, дурларни сочиб ташлашди,
ўткир чақмоқ билан кўксини тилиб.

Ер қаттиқ қувонди, унинг қувончи
Юзига ёйилди бўлиб гул, чечак.
Шунчалар яхши бу ўлкада энди
Энг яхши одамлар яшаши керак.

Февралга сочилиб қолди сукунат,
Дарёлар бағрига қуйилди кўйиш.
Тогларга ёйилиб кетди лолалар —
Чўққилар бошига қўнгандай уфқ.
Зангори кенгликлар сайёҳи — Қуёш
Ерни нур қўлида силай бошлади.
Бир фасл қўшини асраган боғлар
Булбулнинг тилида кўйлай бошлади.
Ширинлашиб кетди ҳавонинг ҳиди,
Улкан тўйгулардан жоним суюнар.
Киш, сокин хонамда ўйлаган ўйим,
Орзуим ўзимга кичик тўйилар.

Менинг насибам

Ёзилган бўлармиш менинг насибам,
Кўрармишман унда нима бўлса ҳам.

Тезоқар дарёнинг тўлқинларига,
Янги ёнган гулхан ёлқинларига,
Ҳақиқат сўзининг яқинларига,
Ёзилган бўлсайди менинг насибам.
Митти бойчечакнинг бардошларига,
Баҳор булутининг бахт ёшларига,
Саратон кўкнинг қуёшларига,
Ёзилган бўлсайди менинг насибам.

Кўллардан кўқарган ерларга туташ,
Юрак парчасидай шеърларга туташ,
Фақат ёниш, манглай терларга туташ
Ёзилган бўлсайди менинг насибам.

Ёзилмаган бўлса шуларга агар,
Оптоқ-оптоқ турсин, ўзим ёзаман.

Совуқдан кичрайиб қолган қуёшни
Иситгим келади бағримга босиб,
Ҳавойи булутнинг кўйдириб кўзин.

Сал ўтмай турналарнинг қанотларидан
Тушиб қолар эди хушбўй бир фасл,
Кучоқлаб ялтирнинг ёқимли исин.

Куртақлар жилмая бошлади аста...
Улар бир очиллиб жилмайганида
Лабиди унарди ол, пушти гуллар.

Ўрикзор боғларни қилиб элаги,
Қуёшнинг минг тусли шуғаларини
Сермайса заминга эларди еллар...
Баридан кетяпман...

Қадрдон қишлоқнинг яшил суварати
Кўзимдан қалбимга чўкиб кетар жим.
Энди оламдаги узун йилларда
Қалбимга термулиб яшайди кўзим.

Шу кунлар ҳар тонгда нам булутларга
Юқади қуёшдан сачраб кетган ранг.
Шуғалар қуюлиб тургандай туюлар
Кейин қалбимнинг бодом экани
Улар баланд-баланд гулга ўхшайди.
Шу кунлар
Шабнам-шабнам бўлиб яшамас узоқ,
Офтоб толасига айланиб кетади.
Кейин танасида ҳарорат сезиб,
Маисалар титроқдан тўхтайдди.
Ўрикнинг ўриклиги билинмай қолади.
Билинмас бодомнинг бодом экани
Улар баланд-баланд гулга ўхшайди.

Бир бор гулламаган тераклардан ҳам,
Бир бор гулламаган гиёҳлардан ҳам
Гулларнинг нафаси келади.
Эҳ шунда

Қуёшу самонинг бири-бирини
Совиниб яшаган чоғлари тугаб,
Висоли бошланган фаслларда ҳам
Фақатгина севги тўйғуси билан
Яшай олмаслигинг алам қилади.

Сиз шунча яхшисиз

(Туркумдан)
Тўхтайсиз яна бир кўрғингиз келиб...
Тўхтайсиз яна бир кўрғингиз келиб,
Қароғингиз — сувга чўкаётган чўғ.
Ташлаб кетмоқликка кўзингиз қиймас,
Олиб кетолмайсиз, шложингиз ийқ.

Сўроқладим, топдим сиз севган кўйни,
Сиз севган гулларни саралаб қўйдим.
Сиз севган рангларда ястаиб уйни,
Ўзим ҳам шу рангда либослар кийдим.

Лаҳзалар қалбимга сездириб кечди,
Сиз бўлиб туюлди ўтган ҳар шарпа.
Эшикни кўп марта юзуриб очдим
Ва оҳиста ёндым яна кўп марта.

Сиз-чи оstonадан кетдингиз қайтиб,
Согинчингиз... сўнгра узингиз айтиб.

Келинчақ оромин сундиради Вақт,
Хали қайлардадир маст уйқуда тонг,
Оламнинг кўйлаги юпқа сурмаранг.

Ўрикзорда майин куйлаб оқар сой,
Булбулнинг сасига басма-басига.
Келинчақ шавқ билан тинглади лаҳза,
Сув... далалар келди бирдан эсига.

Сабо нақ ёнига келтириб тўкди,
Атиргулнинг тансиқ, жонбахш бўйларин.
Келинчақ энтиқиб дил билан ўпди,
Сўнгра яна далалар тортар ўйларин.
Низоҳида туриб қолади узоқ
Атиргулча келган гўжа бўйларин.

Согинч билан қараб қўйиб ёнига,
Турди ва бепардоз кўшди зумда.
Юлдузли тун тамом кетиб улгурмай,
У секин йўл олди узун кундузга...



ҚУТЛИБЕКА

Муаллиф ҳақида:

Қутлибека РАХИМБОЕВА —
Туркманистон Республикаси
Тошхонув шахрида туғилган.
Фарғона педагогика институтининг
филология факультетини
тамомлаган (1974).
Ўрта мактабда, Алишер Навоий
номидаги Тил ва адабиёт институти-
да, Фафур Гулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашриётида, “Саодат”
журнали ва “Гулчехралар” газетаси-
да ишлаган.
“Юрагимда кўрганларим”(1981),
“Узун кундузлар”(1984), “Уйғониш
фасли”(1989), “Озодлик”(1998),
“Кўксимдаги Тангриот”(2000),
“Қорақўзларим”(2012) каби шеърый
тўпламлари нашр этилган.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими(1994).
“Шухрат” медали соҳиб (1999).

МХИКОЯ

Жанубий-шарқий Осиёда жойлашган Мьянма союз Республикасида шу ўтган бир ҳафта давомида камсонли роҳингия мусулмонлари яшайдиган 2,600 дан ортиқ уйларга диний низолар туфайли ўт қўйилди, минглаб бегуноҳ одамлар ваҳшийларча ўлдирилди. Мьянмадан 123 минг киши қочиб Бангладеш чегарасига ўтиб уйсизлик ва очликдан, энг муҳими, ҳали давом этиб келаётган жаҳолат, ирқчилик, диний низолар, миллий камситиш каби иллатлардан азият чекишмоқда. Улар тақдир ҳамон қил устид!

Интернет хабарларидан.

«Ассаламу алейкум» ёхуд Мьянма фожиаси

— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!
Кўёш ҳар тонг Бирма[1] туп-
роги узра бош кўтарганда Рак-
хайн штатида яшовчи роҳингия
мусулмон болалари уйқули
кўзларини ишқалаб мана шун-
дай калом-ла уйғонишади.
Кўзларига қуёшнинг заррин
нурлари тушиши билан қонга
синган анъаналарга кўра Ярат-
ган оғамга, чарақлаб турган
қуёшга ва юзларини майин сил-
лаб турган Бенгал кўрфазининг
шабадасига салом йўллашади.
Қизчалар қамишдан тўқилган
саватчани бошларига кўтариб,
ловия теришга кетишдан олдин,
оптоқ булутлар ортида ўзининг
сўзини шаксиз тинглаб турган
Яратувчига, кўзларига беркина-
ётган қуёшга ва рўмолини учи-
раётган кўрфаз шамолига шир-
рин тил билан салом беради.
— Ассаламу алейкум!
Тўсатдан бошланган қонли
ҳужумлар, азобли қувғунлар-у
аламли хўрлашлар, боқира киз-
ларнинг ёлвориб инграшлари,
жонажон уйларининг кулга ай-
ланиши, яқинларининг жонсиз
жасадлари, гулханда қуяётган
инсон этининг ачимсиз ҳиди,
сочилиб кетган тананинг даҳ-
шатли манзараси роҳингия му-
сулмон болаларининг умид-ла,
салом бериб уйғонишдан қай-
таролмайди.
— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!
Роҳингия мусулмонларининг
Бенгалия чегарасига яқин ҳуду-
дида яшовчи 82 ёшли кампир
ярим тунда бошланган ҳужум-

дан омон қолиб, тўрт ёшли не-
варасини кўтарганча гарб то-
монга қараб қочиб борарди. У
яқши билардики у яйлони
тўғри кесиб ўтса (эси оғиб
адамшаётган бўлса) тонг отар-
отмас у Читтагонг туманига[2]
ўтиб олади. Кампирнинг қоқсу-
як елкасини эзиб турган, узок-
дан тарозининг икки палласи-
ни эслатувчи таёқнинг бир учи-
да халтага солинган ва пишил-
лаб ухлаётган невараси, иккинчи
томонида эса бир ҳафталик
емак-ичмақлари бор эди. У
яланг оёқ лой йўлдан олис-
олисларга кўзларини қадаганча
Бенгалия томон одимлаб бо-
варди. У умрида бундай қув-
ғинлардан кўпини кўрган бўлиб,
барчасидан тақдирнинг инояти
ва ўзининг чаққон оёқлари ту-
файли омон қолганди. Ота-она-
си ўтган асрнинг бошларида бу
ерларга ёруғ умидлар билан
кўчиб келишган бўлса-да, умр-
лари рўшнолик кўрмай ўтиб кет-
ди. Кампир на англизларнинг
мустамлака даврида, на озод

Мьянма Республикаси даврида
тинч одамлардай яшай олди.
Умри тахлика-ю қувғинларда
ўтди. Улар ватан деб билган
масканларида гадо эдилар,
ортиқча эдилар. У шунинг учун
кечаси-ю кундузи сергак,
кўчишга шай турар, ҳеч қачон
хотиржамликка берилмасди ва
мана — шу тарзда қариди ҳам!
Роҳингия мусулмонлари —
оддий деҳқонлар, чўпонлар,
қурувчилар бошқалар каби са-
ёҳатлар-у қулай иморатларни
орзу қилишмас, ҳар тонг (улар
ҳар қандай меҳнатга тайёр эди)
туриб тинч ва хотиржам шукро-
налик саломини айтишни истар-
дилар. Улар сайлаш ва сайла-
нишдан махрум эдилар. Бундан
ташқари, шахар ва жамоат
транспортларида қисилиб
юришга, касалхоналари ижти-
моий ёрдамлар, таълим олиш,
чет элда ўқиш, давлат ишлари-
да ишлаш каби XXI асрда мил-
лиардлаб инсонлар фойдалана-
ётган имкониятлардан мосуво
бўлсалар-да, мана шу заминда



Жавлон ЖОВЛИЕВ

Муаллиф ҳақида: Ж.Жовлиев — Қамаш туманида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг санъатшунос-журналистика йўналишини бакалавр ва магистратура босқичини тамомлаган. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ишлайди. Ҳикоялари республика нашрларида чоп этилган.

тинч ва хотиржам яшашни бар-
часидан афзал кўрардилар. Фа-
қат болалари омон бўлса бўлди.
Бунинг учун улар оғир ва за-
ҳарли ишларда меҳнат қилар,
хазорат-у хўрлашларга ҳам чи-
дар ва шунда ҳам ҳар тонг умид
ва ишонч сўзлари билан бола-
ларини уйғотишга ўзларида куч
топарди.
— Ассаламу алейкум!
Кампир шилта лой бўлган
йўлда ёлғиз кетиб борар экан,
боя кўз олдида юз берган фо-
жиаларни эсласликка, фақат
ва фақат ўлиб кетган эри ва
фарзандларининг ҳурмати учун
ёлғизгина ёдгорини асраб
қолишини ўзининг олий бурчи
деб биларди. У чегарадан қан-
дай ўтишдан кўра, боланинг уй-
ғониб қолишидан кўркарди.
Агар у уйғонса аскарлар уни
пайқаб қолиши мумкин. Бунинг
устига бола туриб, онасини
сўраганда нима, деб жавоб бе-

ришни ҳам билмасди. Унга ота-
часини аскарлар отиб, онасини
эса зўрлашганини айтишдан
кўра кампирга ўлим афзалроқ.
У кечаги воқеани кўз олдида
қувмоқчи бўлса-да, ҳар бир нар-
даси кечаги дахшатларни ўзида
ясар, аламли хотираларни
кўзгарди. Осмонда порлаб тур-
ган юлдузлар ҳам қонли нур
сочаётгандай ўғли ва келинини
эслатарди. Мьянма ҳарбийлари
ўғлини отиб ўлдирдиши. Тел-
банамо, кўзлари катта-катта
очилиб, тишсиз оғзидан тили-
ни галати уйнатаётган, қоп-қора
юзлари тарашадай буришиб,
ботиб кетган, ағилиб турган гав-
даси галати кўринган кампир
ёнидан эса аҳмоқона боқиб, ин-
дамай ўтиб кетишди. У омон
қолай учун эмас, эстагига яши-
риб олган неварасини асраш,
мабодо ўзини отиб ташлашса,
боланинг устига қулаб уни омон
қолдиришни уйларди. Қурол-

ланган ҳарбийлар нозик кели-
нини хўрлашаётганида кампир
болани халтага солиб аввалдан
қазиб қўйилган ертўла орқали
боқиб ўтиб кетганди. У боғдан
чиқиб кетар экан гўзал кели-
нининг аянчи ёлворилиши ҳам,
сигарета чекиб нозик қизлар-
дай қулаётган ҳарбийларнинг
овозини ҳам эшитмас, фақатги-
на бағридаги бегуноҳ болани
асраш учун орта қарамай одим-
лашни уйларди, ҳолос.
Умри ловия ва шакарқамиш
ётиштириб ўтган кампир на ота-
онасининг, на иккита қизининг
қабрини эслади оларди. Энди
ўғли ва келинининг ҳам қабри
йўқ. Қабрсиз, қадрсиз неча-неча
авлодлар ўтмоқда... Аммо ҳаммаси шу-
шу... Аммо роҳингия мусулмон бо-
лалари умидларини ўлдирмай ҳар
тонг ишонч-ла уйғонишмоқда...
— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!
Кампир тажрибали қочоқ
эди. У тун билан дам олмай,
бирор марта қокимлай, болага
қулдураб алла айтагана кетиб
борарди. У атайлаб келинининг
ҳарбийлар йиртиб ташлаган
қўйлагидан бир бурдасини ол-
ган, бола ўзини онасининг ба-
ғрида ухлаётгандек ҳис қилиши
учун болаканининг бўйнига уни
боғлаб ҳам қўйганди. У балчиқча
ботиб қолмаслик, захарли хаша-
ротлар-у илонларни босиб ол-
маслик учун кўзини ердан уз-
мас, гарчи силласи қуриб, кўзи
хира кўраётган бўлса ҳам, ҳан-
сираганча қари тошбақаддай та-
насига бирлашиб кетган тош
юқини кўз-қорачиғидай сақла-
ганча одимлаб борарди.
Тонгга яқин қўшини мамлакат
чегарасига етай деганда кампир
қаердандир келаётган машина
овозини эшитди. Уша онда
унинг бор мадори тугаган,
кўзлари ҳеч нимани фарқлай
олмасди. Аммо болани манзилга
етказиш учун бор кучини ишга
солиб янада тезроқ одимлай
бошлади. Ўзидан қўйилиб ке-
лаётган қора терни артишга ҳам
вақт қизганиб, юрагининг тўхтаб
қолмаслигини сўраб ўтинарди.
Мана, ниҳоят, тиконли сим-
лар кўринди. Бадини аччиқ
тирнаб ўтувчи бу совуқ симлар
момога чўт эмас, аммо атрофда
изгиб юрган ҳарбийлар уни пай-
қаб қолса, шундоғ бурнининг
тағидида “омонликка” эришол-
май нариги дунёга равона бўли-
ши аниқ. Шунда авлоди ҳам
буткул қуриди.

Чегара симлари кўринганда
кампир таваккал қилишни иста-
тамади. Елкасидаги таёқни таш-
лаб, егуликларини бир четга
қолдирди. Халтини очиб бола-
кайнинг бўрсилдоқ юзига яна
бир бора қаради. «Ўғлининг ўзи,
хали катта йигит бўлади, момо-
сини дуо қилиб юради». Бола-
кай эса ҳеч нимани эшитмас,
дунёдаги миллиардлаб бегуноҳ
ғўдақлар каби пишиллаб ухлаб
ётарди. Орқа тарафдан эса
қуёш бош кўтариб келар, Бен-
гал кўрфазига эса энгил шамол
йўлларди. Кампир шошилиши
керак. Бола ётган халтини ор-
қасига олиб эмақлай бошлади.
Шу кетишда у тўсиқчага бир
сония ҳам дам олмай борди.
Орқа тарафдан машина қироқ-
лари кўзга ташланар, чегара
қорувларининг овози эса
яқин-яқиндан эшитиларди. Ба-
ланд ўсган қамишлар момони
ўз бағрига босиб яширарди.
Кампир тиконли симларга қўл
ботирганда, Бирма осмониди
кўёш пайдо бўлди.
Шунда! Шунда қуёш нурла-
ри Бенгал кўрфазидан ақла-
ниб бола кўзларига тушганда,
болакай пишиллаб нафас
олишдан тўхтади ва хали кўзла-
рини очар-очмасдан роҳингия
мусулмонларининг минглаб бо-
лажонлари каби башар аҳлига
салом йўллади.
— Ассаламу алейкум!
Кампир шундан қўрққанди.
Унинг саломини нафақат ас-
карлар, балки олис-олислар-
дан нур сочувчи қуёш ҳам
эшитгандай бўлди. Бенгал
кўрфазига кўпириб тўлғонгандай
бўлди. Кампир юз тубан йи-
қилди. Мьянманинг жоҳил ва
уйқусираб, зерикиб ўтирган
чегарачилари улар ёнига чо-
либ келар экан, бола ширин
тил билан бутун инсониятга,
дунё тинчлигига давогар-у шу
орқали роҳат-фароғатда яша-
ётганларга, дину миллитидан
қатъи назар барча онгли ин-
сонларга роҳингия мусулмон
болаларининг умид ва ишонч,
боқира ва мунис саломини
йўлларди:
— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!
— Ассаламу алейкум!

[1] Мьянма давлатининг эски номи. Буюк Британияга вассал бўлган даврда номланган (1824—1948).
[2] Бангладешнинг Мьянма союз республикасида чегарадош тумани.





✓ **МЕРОС**

Куй — кўнгил навоси. Ҳар олаётган нафасимиз оҳанг ритмига мос тебранаётгандек туюлади менга. Илк бор эшитганимиз азон товушида, онамиз алласида вужудимизга сингийди оҳанг. Сўнг барглар шитирида, ариқдаги сувлар шивирисида, ёмғирлар рақси-ю майсалар кулгусида оҳанг яшайганини сезиб қоламиз. Албатта, кўнгил кечинмаларимиз, оғриқларимиз, пасту баланд нуқталардаги туйғулар уйғунлашиб куйга кўчади, созда соزلанади ва умрбоқий санъат асарига айланади ва унинг мафтункор сеҳри ҳам осмон қадар юксак бўлади...

“Чўли Ироқ”ни тинглаган булбул

Ўзбек хонадонига кирсангиз деворида осиглиқ турган рубоб ёки дуторни кўрасиз. Гўё ушбу созлардан, кўк тоқидида куёшдек нур таралади. Ҳар гал кўзингиз тушганда сирли наво оғушида, кўнгилгиз равшан тортади. Баъзан хурсандчилик ёки гамгин онларда хиргойи ҳам қила бошлайсиз. Демакки, асрлар оша яшаб келаётган миллатимиз санъати болалигимиздан қон-қонимизга сингиб боради, борлигимизга айланади.

Мумтоз меросларимиздан “Чўли Ироқ” куйи, одатга айланган эрталабки саломдай, қадрдон ва маҳзун нола, уни тинглаганда, ўзини унутганча, хаёллар уммонига фарқ бўлиб, хонада оҳангга мос саллона қадам ташлаймиз.

Нозима **ҲАБИБУЛЛАЕВА**

✓ **ХОТИРА**

Шундай тақдирлар бўладики, ҳаёти оловли гирдоблар ва пўрта-на тўлқинлар силсиласида ўтади. Садоқат алангасида тобланиб чиниққани сари ўзбек аёллари тимсолига айланиб боради...

Ҳаёт кипригидаги ўқлар

Буюк ўзбек элининг навқирон истеъдодли вакиллари ижоди авжи гулга кирган дамлар, Фитрат, Бехбудий, Чўлпон, Усмон Носир ва Абдулла Қодирий асарлари халқ мулкига айланиб улгурган, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ва Ҳамид Олимжонлар шох асарларини битган, Ҳалимаҳоним, Тамарахоним санъатининг доврўи оламни тутган пайтларда, яъни 1937 йилда Саида Зуннунованинг илк шеъри матбуотда эълон қилинади.

Ташишқоқ, интилувчан, шу билан бирга, маъсума адибанинг илк шеърий тўплами эса урушдан кейинги, тикланиш йилларида чоп этилган. Камтар, содда ва ҳалол хонадон фарзанди бўлган Саида Зуннунова ёшлиқнинг хузурбахш онларини, чўлларни ўзлаштириш, қурилиш зарбдорлари меҳнатини куйлади, аёл бахтини улуғлаб, самимиятга йўрилган шеърлари билан адабиётга кириб келди. Катта адабиётимизнинг жўшқин оқимларига унинг инсон қадрини куйлаган дилбар овози пайваста бўлди.



— Эрим “халқ душмани” эканини исботлаб беринглари! Мен партия билетини сизлардан олган эмасман, Ойбекнинг табаррук қўлидан олганман, — деб хайқирган экан ўшанда Саида Зуннунова.

✓ **ТАБАССУМ**

Беш яшар болакай онасидан сўради:
— Ойи, болалигингизда компьютерингиз бўлганми?
— Йўқ.
— ДВДингиз-чи?
— Йўқ.
— Қўл телефонингиз-чи?
— Йўқ.
— Ойи, динозавр-ни кўрганмисиз?
...
— Дадаси, менинг нимами кўпроқ яхши кўрасиз?
— Қалбингни.
— Нега?
— Чунки, у кўзга кўринмайди.

Р.ЁДГОРОВ тўплади.

✓ **ОЛАМ ВА ОДАМ**

Колумбда бор аламиним, Ўзбекистон ватаним маним...
Абдулла ОРИПОВ

Американинг кашф этилиши деганда, албатта, кўз олдимизга буюк сайёҳ Христофор Колумб келади. Аммо тақдирнинг ўйини қарангки, Х.Колумб ўзи кашф этган ерларни Ҳиндистон деб ўйлаб, ҳеч бир асарига “Янги дунё” деб атамаган. Янги қитъани номлаш эса буюк сайёҳнинг замондоши, флоренциялик Америго Веспуччининг замондошлари чекига тушганди. У Колумбдан кейин қадами етган бепоён ерларни хотира дафтарига ёзар экан, битикларида бутунлай янги заминни таърифлаган эди...

Лавозимдан воз кечган сайёҳ

ёки Американи Америго номлаганми?



Америго Веспуччи 1454 йил 9 мартда Италиянинг Флоренция шаҳрида туғилган. Унинг амакиси Гвидо Антонио Веспуччи 1478-1480 йилларда Флоренциянинг Париждаги элчиси эди. У амакисининг таклифи билан элчихонада фаолият олиб боради. Аммо қисматни қарангки, Францияга турли мамлакатлардан келган элчи-лар билан мулоқотлар чоғида ёш Америгода узоқ ўлкаларга саёҳат қилиш орсуси уйғонади.

А.Веспуччи ўз орзусини амалга ошириш учун лавозимдан бўшаб, Испаниянинг Севилья шаҳрида жойлашган флоренциялик Ж.Берардининг савдо уйига хизматга киради. Ж.Берардининг вафотидан кейин, яъни 1495 йилда А.Веспуччи савдо уйи раҳбари вазифасини эгаллайди. Испан ҳукумати 1495 йилда Х.Колумб билан алоқаларини тўхтатгач, А.Веспуччи Ҳиндистонга экспедицияга жўнайдиган кема таъминоти хуқуқини қўлга киритади.

Америго Веспуччининг таниқли шахсларга ёзган хатлари, хотира дафтари — буюк сайёҳдан қолган ягона ёзма эсдаликларига ҳақида дўсти Лоренцио Ди-Перфранческо Дел-Медици географик кашфиётлар ишқибози бўлган Лотарингия кироли Ренега айтади. Шундай қилиб, Рене кўмаги билан сайёҳнинг битиклари Флоренцияда илк бор китоб бўлиб нашр этилади.

✓ **ТАФАККУР**

Депрессия — қора кийинган санам

► Ноёб қобилият эгаси эканлигингиз, бу — сизнинг нимагадир эришганлигингиз ҳақида ҳеч нима ни англатмайди. Бу шунни англатмадики, сиз нимадир қайтариб бера олиш имконига эгасиз.

► Биз ўзимизни тўлиқ назорат қиляпмиз деб ўйлашимиз мумкин. Бироқ дўстимиз бизга биз ўз ҳаётимиз ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган нарсалар ҳақида гапириб бериши мумкин.

Рус тилидан Гўзал БЕГИМ таржамаси.



Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдуракул ЖУМАҚУЛОВ
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоли қолишган нархда

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.
Адади: 5004
Буюртма — Г-265

Матбуотнинг тарихи: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
Газета тахририят компьютер марказида теривди ва дизайнер Э.Ёдоров томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Х.Қодиоров. Мусоҳахчи: Ш.Убайдуллаева.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

